ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

28 август, пайшанба 1997 йил №101 (451)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ва ишлаб чиқариш соҳаларида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, ёшларга таълим ва тарбия бериш борасидаги давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона меҳнати учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, Олий нишон — «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:

МАДАЛИЕВА Манзура Абдуллаевна
— Қўқон шаҳридаги 10-ўрта мактаб математика ўқитувчиси, Фарғона вилояти

САИТОВА Онесия Саитовна
— Қорақалпоғистон Республикаси 1-туғруқхонасининг гинекология бўлими мудири

УМАРОВ Холхўжа Мукаррамович
— «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси «Тошмахсуспардозқурилиш» акциядорлик жамияти 42-қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригадаси бошлиғи

ҚУВАҚОВ Машариф
— Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 26 август.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси 1997 йил 29 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Хонимлар ва жаноблар!
Азиз меҳмонлар ва дўстлар!
Фестиваль қатнашчилари!

Энг аввало, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг қатнашчиларини гўзал Шарқимизнинг дурдонаси — қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида муборакбод этишдан бағоят мамнун эканимни изҳор қилишга ижозат бергайсизлар!

Бугунги мусиқа байрамида иштирок этаётган Япония, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Миср, Индонезия, Корея Республикаси, Бангладеш, Вьетнам, Таиланд, Малайзия, Иордания, Исроил, Мўғулистон, ўзимизнинг яқин қўшниларимиз Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон вакилларига, Россия, Америка Қўшма Штатлари, Франция, Буюк Британия, Олмония, Австрия, Юнонистон, Мексика, Арманистон, Латвия ижрочи ва санъаткорларига чин қалбимдан миннатдорлик билдириб, уларнинг ҳар бирига ўзбек халқининг саломи ва ҳурматини етказишдан бениҳоя бахтиёрман!

Фестивалимизнинг фахрий меҳмонлари — ЮНЕСКО вакилларини, Халқаро мусиқа кенгаши раҳбариятини ва бошқа азиз меҳмонларимизни қизғин табриклаймиз ва «Самарқанд тупроғига хуш келибсиз!», деб чин кўнгилдан қутлаймиз.

Муҳтарам дўстлар!

«Шарқ тароналари» мусиқа фестивали Ўзбекистонда, айни Самарқанд заминида ўтаётгани бежиз эмас. Самарқанд ҳақли равишда дунё цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланади.

Бу ерга Амир Темур, Имом Бухорий, Хожа Аҳрор Валий, Улуғбек, Қозизода Румий, Шарафиддин Али Яздий, Давлатшоҳ Самарқандий, Клавихо, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Вамбери, Абдураззоқ Самарқандий каби унлаб ва юзлаб буюк инсонларнинг қадамлари теккан.

Не-не буюк давлат арбоблари, санъаткорлар ва ижодкорлар бу шаҳри азимни зиёрат қилган.

Самарқандни азал-азалдан турли халқ вакиллари ва маданиятлари учрашган манзил бўлган, деб айтсак асло хато бўлмас.

Азиз дўстлар!

Шарқ мусиқаси — Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисмидир. Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк.

Сиз меҳмон бўлиб турган қадимий Самарқанд музейларидан бирида археологларимиз топган ғоят ноёб, тилла буюмлардан ҳам қимматлироқ мусиқий асбоб — беш минг йиллик най авайлаб асралмоқда. Уни кўрган инсон беихтиёр Шарқ мусиқаси тарихини ўйлайди.

Бу мусиқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни руҳан юксалтириб келмоқда.

Ўзининг нозик жозибаси билан дунё маданиятига озуқа бериб, умумбашарий қадриятларга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хонимлар ва жаноблар!

Қадимий Самарқандга, буюк воқеалар шоҳиди бўлмиш Регистон майдонига Сизларни эзгу бир ният билан таклиф этдик.

Ишонаманки, Сизларнинг гўзал санъатингиз Шарқимиз мусиқа дурдоналарини бугун дунёга яна бир бор намойиш қилади.

Ишонаманки, бу фестиваль ҳар бир одамни меҳру шафқатли, меҳру оқибатли бўлишга даъват этади, ер юзида барқарорлик ва аҳиллик табиатини уйғотади.

Ишонаманки, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали халқларимиз маданиятларини узаро бойитади, миллатимиз ва динимиздан қатъи назар, халқларимизни ва инсонларимизни бирбирига яқинлаштиради.

Ишонаман, қадимий Самарқандда очилаётган мусиқа фестивали анъанавий бўлиб қолади ва Шарқ халқлари куй ва оҳангларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Ҳурматли меҳмонлар!

Сизларни ҳеч бир муболағасиз «маданият ва дўстлик элчилари» деб аташ мумкин. «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали очилиши муносабати билан барчангизни Ўзбекистон халқи номидан яна бир бор муборакбод этаман ва ижодларингизга омадлар тилайман.

Азиз томошабинлар!

Самарқанд аҳли!

Ҳеч қандай шубҳам йўқки, сиз биродарлар фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларига уларни қўллаб-қувватлашда ўзбек халқига муносиб меҳмондўстлик ва бағрикенглик фазилатларини албатта намойиш этасизлар.



«Шарқ тароналари» фестивали давом этаётган Самарқандда байрам руҳи ҳукм сурмоқда.

МАДАНИЯТ ВА ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ

Самарқанд - она-Ватанимиз фахри, ифтихори, дурдонаси, қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳар. Неча асрларким тиллардан тушмай келаётган қўҳна шаҳарим. Шаҳри азим не-не қувончу ташвишларни бошидан кечирмади дейсиз. Не-не ҳукмдорлар бу шаҳарни қўлга киритишга интилмади. Неча бор истилочилар томонидан вайрон этилса ҳам, яна бош кўтариб қаддини ростлаб олаверди. Улар ўрнида янаям гўзал ва кўркам, муҳташам бинолар бунёд бўлди.

Самарқанд табаррук шаҳар. Бу ерда нафақат мамлакатимизга, балки дунё цивилизациясига катта улуш қўшган буюк олиму фузалолар, саркардалар етишиб чиққан...

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг Самарқандда ўтказилиши ҳам бежиз эмас.

Самарқанд. 26 август. Регистон майдони, соат 19. Саҳнага фестивал қатнашчилари кўтарилишди. Майдон узра Ўзбекистон давлат мадҳияси янграйди. Фестиваль иштирокчилари анжуман гимнини ижро этадилар. Гимн садолари остида фестиваль байроғи кўтарилади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов табрик нутқи сўзлади. Президентимиз анжуман қатнашчиларини фестиваль очилиши билан қизғин қутлади. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг аҳамияти беқиёс эканлигини алоҳида таъкидлади. Фестивал дўстлик, тинчлик ишига катта ҳисса қўшишини билдириб шундай деди:

«Ишонаманки, бу фестиваль ҳар бир одамни меҳру шафқат, меҳру оқибатли бўлишга даъват этади, ер юзида барқарорлик ва аҳиллик табиатини уйғотади».

Фестивал очилиш маросимида ЮНЕСКОнинг маданият шўъбасининг Бош директори Креспо Торал, фестиваль халқаро ҳайъати раиси Харума Кишиба хоним ҳам сўзга чиқиб, йиғилганларни мусиқа байрами билан қизғин табриклаб, уларга омадлар тилашди.

Шундан сўнг «Буюк Ипак йўли» театрлаштирилган томошаси бошланди. Ўзбек халқ мумтоз куй, қўшиқлари янгради...

Шу куни фестивал якунида мушакбозлик бўлди.

Ҳа, ўттиздан зиёд давлат санъаткорлари иштирок этаётган, маданият ва дўстлик элчиси бўлган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўз ишини бошлади.

Иқтисодиёт хабарлари

АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкентда Осиё ривожланиш банки (ОРБ) миссияси республика Марказий банкининг раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда ОРБнинг Тошкентда ваколатхонасини очиш масаласи муҳокама қилинди.

ОРБнинг Ўзбекистон бўйича программасининг раҳбари жаноб В. Шельзиг банкка икки йил аввал аъзо бўлган республикамиз ва ушбу банк ўртасидаги муносабатлар ҳақида тўхталди. ОРБ ҳозиргача республика қайта ишлаш саноатини ривожлантириш учун 50 миллион АҚШ доллари қарз ажратганлигини бу йил охиригача эса яна 100 миллион доллар қарз берилиши мўлжалланаётганлигини билдирди.

ЭКСПОРТНИ МЎЛЖАЛЛАБ

Навоий вилоятида четга чиқариш учун мўлжалланган маҳсулотларнинг кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазма экспортни ривожлантириш маркази томонидан ташкил этилган бўлиб, унда бир неча хил моллар — Қизилқумнинг олтинидан ишланган занжирдан тортиб, то Томдининг туялари жунидан тайёрланган кўрпагача қўйилган.

АЭРОПОРТЛАР ЧИРОЙ ОЧАДИ

Бухородаги «Мармар» қўшма корхонаси ҳамда Японияннинг «Мицуй» фирмаси 150 миллион долларлик шартномани имзоладилар.

Унга кўра бухоролик мармарчилар Ўзбекистоннинг учта аэропортини қайта таъмирлашни амалга ошираётган япон мутахассисларига 7 минг квадрат метр мармар етказиб берадилар.

«Инсон манфаатлари - олий мақсад» танловига

Истиқлолимизнинг 6 йиллик тантаналари нишонланадиган кун тобора яқинлашмоқда. Шу муносабат билан ҳар бир меҳнат жамоаси, шаҳар ва туман меҳнаткашлари босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, унинг натижаларини сарҳисоб қилишга интилишлари табиий. Зеро, бу тадбир истиқболнинг янада ёркин бўлишига асос бўлади.

Шуниси қувончлики, бутун халқимиз билан бирга ҳар бир меҳнат жамоаси, ҳар бир оила мустақилликнинг ҳаётбахш самараларини бутун қалби-жисми билан ҳис этмоқда, машаққатли, аммо чин маънода шарафли натижалардан фахрланмоқдалар. Улар сафида Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туман меҳнаткашлари ҳам истиқлол йўлидан дадил одимламоқдалар. Улар тимсолида биз республикамиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар йўлидан бориб, эришаётган машаққатли ютуқлар моҳият-мазмунини яна бир бор туйишимиз мумкин. «Ишонч»нинг вилоят мухбири Аҳмаджон Тўхтасиновнинг туркум ҳикоялари шу ҳақда.

1.ИСЛОҲОТЛАР ОДАМЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

«Бу йил тумандаги хўжаликлар пахта далаларида ҳосил чўғи ҳар қачонгидан мўл кўринмоқда. Туман қишлоқ хўжалик мутахассисларининг якдил фикри-шундай. Ҳақиқатан ҳам баҳор ва ёз бўйи далалардан деҳқон қадами узилмади, ҳар бир туп ғўза инсон меҳри ва қуёш тафтидан ҳар қачонгидан кўп баҳра олибми-бугун ўз саҳоватини кўз-кўз қилаётгандай...

Шуни таъкидлаш керакки, туман хўжаликларида деҳқонларнинг пахтадан юқори ҳосил кутариш ҳаракати қандайдир дабдабали ғоялар, кўтаринки ташвиқотлар эмас, аниқ ва оддий иқтисодий манфаатдорлик, самарага эришиш мақсадига асосланган. Бугунги кунда ҳар бир пахтакор ўз меҳнати натижасидан бевосита манфаат кўришини билади, етиштирилаётган оппоқ момиқ пахтанинг эгаси ўзи эканлигини туйиб иш кўради. Далаларда бир маромда ва омилкорлик билан қилинаётган меҳнатнинг сири шунда бўлса керак.

Дарвоқе, туман аҳлининг меҳнатсеварлиги, тадбиркорлиги назарга тушиб, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бу ердаги пахтакор хўжаликлар базасида «Ўзбекистон» пахта-уруғчилик корпорацияси ташкил этилганди. Унга пахтачилик билан шуғулланувчи жами 5 хўжалик - «Ғаниобод», Содиқ Азимов номли, Ғафур Ғулом номли, «Пахтақайнар» ва «Ўқчи» хўжаликлари кирди.

Биз номи ўзгариб, моҳияти эскича қолаётган ҳолатлар ҳақида тез-тез эшитиб турамиз. Лекин бу ерда ундай бўлмади. 1996 йил иқтисодий якунларига қараб одамлар ҳукумат қарори жиддий ва сўзсиз амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдилар. Яъни ўтган йили етиштирилган пахта хом ашёсига давлат буюртмаси бекор қилинди. Натижада ҳар бир тонна пахта толаси жаҳон бозорида шаклланган нархларда -80-80 минг сўмдан, жами 271,5 миллион сўмга сотилди. Ер ва сувдан ташқари солиқлардан озод этилиши туфайли корпорация хўжаликлари 82,5 миллион сўм қўшимча фойда олишди.

Ёг заводларига топширилган техник чигит мойи ҳам 100 фоиз хўжаликларга қайтарилди. 1 килограмм пахта ёгининг таннархи атиги 12 сўм 50 тийинни ташкил этди ва шу нархда аҳолига тарқатилди. Бўлардан пахтакорлар бевосита баҳраманд бўлдилар. Айни пайтда қўнжара, шелуха каби маҳсулотлар ҳам хўжаликларга берилди.

Иқтисодий мустақиллик шарофати билан хўжаликларнинг ҳисоб рақамларида пул маблағлари пайдо бўлди. Бунинг натижасида хўжаликлар меҳнаткашлари ўтган йил меҳнат якунлари бўйича даромадларини вақтида олишга эришдилар. Бу йил ёз бўйи деҳқонлар ойлик иш ҳақларини вақтида олиб келдилар. Баъзи ҳолларда ойлик маошларни тўлашда олдинга ўтиб кетиш ҳоллари ҳам кузатиляпти. Яъни деҳқон хўжаликларига дон тарқатилиб, келгуси иш ҳақлари ҳисобига улар «қарз қилиб» ҳам қўйилди.

Уз мулкига ҳақиқий хўжайинлик ҳиссининг чуқур илдиз отишида корпорация таркибига кирувчи хўжаликларни очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантириш тўғрисида якдиллик билан бир қарорга келингани ҳам муҳим рол ўйнади. Бу тадбир жамоалар аҳли ўртасида чуқур тушунтириш ишлари олиб бориш асосида амалга оширилди. Хўжалик аъзоларининг меҳнатдаги иштирокига қараб табақалаштирилган коэффицент ишлаб чиқилди ва шу асосда акциялар тарқатилиши белгиланди.

DADIL ODIMLAR

- Ҳозир тарқатиладиган акциялар тайёр бўлиб қолди,- дейди биз билан суҳбатда корпорация бош директори Баҳодиржон Абдалиев.- Ҳар бир акциямиз қиймати 4800 сўмни ташкил этади. Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг моҳияти, ҳар бир ходим оладиган даромад бевосита қилинадиган меҳнат натижасига ва раҳбар ҳамда мутахассисларнинг молиявий омилкорлиги, билимдонлигига боғлиқлигини кўпчилик яхши билади.

- Хўжалик юритишнинг ҳозирги шакли шу билан қимматлики,- дейди Ғафур Ғулом номли очиқ ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Солижон Ҳусаинов,- етиштирган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларимизни ўзимиз сотамиз- қачон, қандай сотишни ҳам ўзимиз ҳал қиламиз. Пахта тозалаш заводимиз, қабул пунктларимиз янги ҳосилни шай ҳолда кутиб турибди. Бу йил 1270 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан - жами 4 минг тоннага яқин пахта хирмони уймоқчимиз. Йил бўйи қилинган меҳнатимиз, одамларимизнинг бугунги ғайратиштиёқи кўзлаган мақсадимизга эришишимизга қатъий ишонч тўғдиради.

Яқинда туманда Жаҳон тараққиёт ва тикланиш банкининг вакили бўлиб, корпорациядаги аҳволни бир неча кун давомида чуқур ўрганди. Маълумки, улар ўз ишлари ва мақсадларини яхши билишади, пулни, айниқса долларни ҳавога совурмаслик учун бутун чораларни кўришади. Шунинг учун ҳам йирик халқаро банк вакилининг бу ерда бўлиши корпорация меҳнат аҳли учун бир синов бўлди дейиш мумкин.

- Синовдан муваффақиятли ўтдик чоғи,- дея ҳазил аралаш кулиб гапида давом этди Баҳодиржон.- Вакил корпорациямизни қўллаб-қувватлаш учун банк томонидан кредитларни бериш мумкин, деган хулосага келди. Бу кредитлар эса, биз учун ниҳоятда зарур. Биз қисқа муддатда маҳсулотларимизни жаҳон бозорига олиб чиқишимиз, бунинг учун ишлаб чиқаришга, замонавий технологияни жорий этишимиз, энг янги ва унумли техникаларни сотиб олишимиз керак. Чигитни экишдан бошлаб то пахтани йиғиб олгунча - барча иш жараёнлари юксак механизациялаштирилиши шарт. Кетмондан, суғоришнинг эски услубларидан қанча тез қутулсак, ютуқларимиз шунча салмоқли бўлади.

Корпорация раҳбарлари, мутахассислари билан унга кирувчи очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари мутахассислари, оддий акциядорлар билан мароқли суҳбатни узоқ давом эттириш мумкин. Лекин, энг муҳими, улар истиқболнинг ёркин йўлини танлаб, бу йўлдан шунчаки эмас, балки онгли равишда олисни кўзлаб одим ташлашмоқда. Олдинда эса, улар ҳаётида сифат ўзгаришларига олиб келадиган истиқбол турибди...

А.ТУХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири

Байрам олди янгиликлари

ЗАВОД ЛОЙИҲАСИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Си-Про халқаро концерни тез тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган йирик завод қурилиши учун лойиҳани яратадиган бўлди. Бу ҳақда Тошкентда бўлиб ўтган матбуот конференциясида компаниянинг жамоатчилик билан алоқа директори Роберт Меркун хабар берди.

Ўзбекистон меҳнаткашларига ушбу концерн ишлаб чиқараётган маҳсулотлар яхши таниш. Булар «Инвайт+» ва «Элис» ичимликларидир. Яқинда «Инвайт+Приз» ўйинининг биринчи тури бўлиб ўтди.

500 киши турли ютуқларнинг, шу жумладан, музлатгич, аудио ва видеотехника, велосипед, чангютгич ва бошқа нарсаларнинг эгалари бўлишди. Энг катта ютуқ «Нексия» автомобили тошкентлик М. Ҳужаевага насиб этди. Ўйиннинг иккинчи тури сентябрда ўтказилади. Си-Про концерни бундан буён нонушта, кофе, қайнатма ва бошқа маҳсулотлари билан республикамиз меҳнаткашларини таъминлаш ниятида.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

Узбекистонда яқинда амалий визит билан Питер Шмидт бошчилигидаги австриялик ишбилармонлар делегацияси келди. Ташриф натижасида «Узбекенгилсаноат» ассоциацияси билан битим имзоланди. Унга кўра меҳмонлар Янгийўлдаги «Кичкинтой» корхонасини ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан жиҳозлайдиган ва болалар пойабзали ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қуриш ҳақида контракт тузишди.

Шуни таъкидлаш лозимки, қурилажак корхонада ишлаб чиқариладиган пойабзаллар фақат Европа мамлакатларининг юқори сифатли теріларидан тайёрланадики, бу уни рақобатдошлигини оширади...

Йилига 450 минг пар оёқ кийими ишлаб чиқаралиган янги қўшма корхона технологик ускуналар билан шу йилнинг охиригача жиҳозланади.

ХУШХАБАР

Жанубий Кореянинг «Daewoo telekom» компанияси 1998 йилдан бошлаб Узбекистонда компьютер ва мониторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи.

Лойиҳага кўра, жанубий кореядан келтирилган комплектлаш жиҳозлари дастлаб Тошкентда йиғилади. Линия бир йил ишлагандан кейин 30 фоиз комплектлаш ускуналарини Узбекистон корхоналарида ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Келгусида эса қувватлар яна оширилади.

Етти иқлим нафаси

● Яқин вақт ичида Душанбега Бирлашган тожик муҳолифатчилари етакчиси Саид Абдулло Нурий ва уни қўриқлаш учун мухолифчиларнинг 200 нафар қуролланган жангчилари келиши кутилмоқда.

● АҚШ давлат департаментининг расмий вакили яқинда Қоҳирадан ғойиб бўлган КХДРнинг Миср даги элчиси Чан Син Дил ва унинг Парижда Шимолий Корея савдо вакили бўлиб ишлаётган укасига сиёсий бошпана берилганлигини билдирди. Бу юқори мартабали амалдорлар Шимолий Кореянинг ядровий дастуридан муфассал хабардор, деган тахминлар бор.

● Молдовада давлат мустақиллигининг 6 йиллиги кенг байрам қилинмоқда. Шу муносабат билан Кишинёвда ҳарбий парад ва халқ сайиллари бўлиб ўтади.

● Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзовнинг Германияга биринчи расмий ташрифи бошланди. У ГФР Президенти Роман Херцог ва канцлер Гельмут Коль билан музокаралар утказди. Ташриф якунида икки давлат ўртасида сармоялар, савдо — иқтисодий ва маданият соҳаларида ҳамкорлик қилиш юзасидан ҳужжатлар имзоланди.

● Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев Варшавага келди. У Польша Президенти Александер Квасьневский билан асосан узаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларини муҳокама этди.

● Украина ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенко Москвада Россия Бош вазири Виктор Черномирдин билан, Россия мудофаа вазири Игорь Сергеев эса Киевда Украина Президенти Леонид Кучма билан Россия билан Украина ўртасида имзоланган ҳаллашувларнинг бажарилишининг борыши юзасидан музокаралар утказдилар.

● Туркманистонда биринчи бор халқаро савдога машҳур ахалтекин зотли отлар қўйилиши эълон қилинди. Шу пайтгача бу зотли отларни мамлакат ташқарисига олиб чиқиб кетиш ман қилиб қўйилган эди.

Жаҳон ахборот агентликларининг материаллари асосида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси олдидан

МИЛЛИЙ КАДРЛАР — ВАТАНИМИЗ ФАХРИ

Давра суҳбати

Миллий кадрлар тайёрлаш мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк бўлиши гаровидир. Бунинг учун кадрлар тайёрлаш борасидаги барча таълим-тарбия ишлари тизимимизни тубдан қайта қуришимиз лозим. Шунинг учун ҳам 29 августда бошланадиган Олий Мажлис сессиясида «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунлар лойиҳасини муҳокамага қўйди.

Ана шу ҳужжатлар хусусидаги фикр-мулоҳазаларини билдириш учун бир неча раҳбар олимларни давра суҳбатига жалб этдик.

ТУРАБЕК НУЪМОНОВИЧ ДОЛИМОВ — ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИ, АКАДЕМИК.

— Миллий кадрлар тайёрлаш юзасидан тузилган дастур лойиҳаси таълим-тарбия соҳасини бутунлай қайта қуришдек назарда тутади. Ҳозирги таълим-тарбия тизимимиз эса келажаги буюк давлат қуришдек талабларига тўла жавоб бера олмайди.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиёти тарихини бошидан кечирмоқда. Иқтисодий юксалиш ва маънавиятни кўтаришни тезлаштириш зарурати — бу давримизнинг ўзига хос хусусияти, талаби бўлиб, худди шундай вазиятда ҳар томонлама етук, юртим деб, элим деб ёниб ишлайдиган, халқпарвар, юртпарвар, илмпарвар, баркамол кадрларга эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Бундай кадрларни тайёрлаш учун ишни буюк келажак яратишга қаратилган пишиқ, пухта миллий дастур яратишдан бошлаш лозим, албатта.

Шарқ урф-одатлари, ислом ақидалари ғоялари, Ватанимизнинг буюк олимлари қарашлари, уларнинг яратган мактабларидан етарли хабардор, таълимотларини тўлиқ ўзлаштирган, буюк Амир Темур, Бобур Мирзо, Улуғбек сингари Ватан, эл-юрт қонкуярлари, буюк Навоий сингари ижодкор даҳолар, Ибн Сино, Ат-Термизий каби жаҳонга машҳур олимлар издошларини шакллантириш умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртлари, жамоатчиликнинг муқаддас бурчидир.

Аввало ўқувчилар ва талабаларни илм эгаллашга қизиқтириш ғоят муҳим масалалардан биридир. Шу ўринда айтиш керакки, илм олишнинг беқиёс аҳамияти етарли ташвиқ этилмаётир. Бунинг учун илм аҳлини моддий рағбатлантиришни бир неча бор ошириш йўлларини излаш лозим бўлади.

Мактабларда билим олишга иштиёқ нега суст? Бу ҳақда кўпроқ бош қотириш, енгилгина ҳаётга интилиш, қиғир йўллар билан бойиш ҳақидаги хом-хаёлларга барҳам бериш лозим.

Олий таълим ҳақида гапирадиган бўлсак, йирик университетларга ҳар томонлама мустақиллик бериш, ўз талабаларини ўзи танлаш ҳуқуқи таъминланса, масъулият, ишонч, пировард жавобгарлик ҳисси ортиб боради.

Миллий дастурда университет таълими ҳақида махсус бўлим бўлиши мақсадга мувофиқдир. Университетнинг ўз гимназияси, лицейи, коллежлари бўлиб, ўзига ўзи кадр тайёрлаши лозим. Абитуриентларнинг иқтидорига қараб табиий, техник, гуманитар факультетларга қабул қилиш университет ихтиёрида бўлиши зарурлигини ҳаёт тақозо этмоқда. Шундагина сифат масъулияти янада ортган бўлади.

Профессор — ўқитувчилар маошини кескин ошириш, стипендиялар миқдорини ўқиш сифатига қараб белгилашни ҳам университет ўзи ҳал этиши ижобий натижа беради, деб ўйлаймиз.

Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари муаммосини чуқурроқ ўйлаб, кенгроқ муҳокама этиб, ҳал этиш керак. Ҳозирги тест синовларини ҳам ислоҳ қилиш лозим. Тузилган саволлар ўрта мактаб дастури асосида бўлишига қатъий аҳамият берилиши керак. Шунингдек, бўлажак миллий кадрларнинг оғзаки ва ёзма саводхонлиги — нутқ маданияти иккинчи ўринга ўтиб қолаётганлиги ҳам ташвиш туғдиради. Диктант орқали саводхонликни аниқловчи ана шу оддий воситадан бутунлай воз кечиш ҳам ўринли эмас. Мана шундай ҳаёт тажрибасидан, халқ манфаатларидан келиб чиқаётган муаммолар борки, улар ҳақида кенгроқ доирада баҳс, мунозара ўтказиш керак бўлади.

ЙЎЛДОШ САИДЖОНОВ — УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ.

— Бозор иқтисодиёти даврида янгича фикрлайдиган, ҳаёт муаммоларига мустақил жавоб излайдиган, келажакни олдиндан кўра оладиган замонавий кадрлар тайёрлаш дастурига эга бўлсак, мамлакатимизнинг келажаги буюк бўла олишига катта йўл очилади. Бунинг учун миллий кадрлар тайёрлашнинг оила-боғча-мактаб-олий даргоҳдаги таълим-тарбия тизимини бутунлай янгидан яратиш керак бўлади.

Оила тарбиясидан кейин олти ёшдан бошланғич синфларда ўқитиш, 5-9 синф ва ниҳоят 10-12 синф умумий мажбурий (ихтиёрий) таълим тизими, унинг дастурлари мазмуни янгиланиши лозим.

Таълимни бутунлай янгидан ислоҳ қилиш қийинчиликларидан бири — мактабларнинг моддий-техника базасининг етарли мустаҳкам эмаслигидир. Республикамизда ҳозирги вақтда тўққиз мингдан ортиқ мактаблар мавжуд. Шунча болалар боғчалари бор. 25 фоизга яқин бола боғчада, етмиш беш фоиз болалар оилада тарбияланади. Бошланғич синфларга ҳар хил тайёргарликдаги болалар ўқишга келгани учун улардаги билим сифати ҳар хил. Мана шу мураккаб муаммо ечимини ҳам топиш керак бўлади. Бошланғич таълим дастурида эса талаб ва стандарт ягонадир! Бизнингча, «Оила боғчаси» тизими, унинг ўзига хос дастурини яратиш, уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш зарур.

Ҳозирги вақтда 1,5 миллиондан ортиқ болалар икки сменада ўқийди. Икки мингдан ортиқ мактабларда тиббиёт пунктлари йўқ. Бундай шароитда соғлом авлодни тарбиялаш учун бир қатор қийинчиликлар келиб чиқади. Мана бу масалаларни ечиш ҳам миллий кадрлар тайёрлаш дастурида ҳисобга олиниши керак.

Маънавият масаласида бир мунча янгиликлар, изланишлар бўлмоқда. Илгари фақат тўққизинчи синфда одобнома ўқитилган бўлса, 1997-98 ўқув йилидан 1—12-синфларда «Одоб ва ахлоқ асослари» (этика) фани ўқитиладиган бўлди. Бунда 1-4-синфларда «Одоб сабоқлари», 5-9-синфларда «Ахлоқ асослари», 1998-99 ўқув йилидан бошлаб, 10-12 синфларда янги фан «Маънавият ва мантиқ» ўқитилади. Ҳозирги вақтда 1-4 синф ўқитувчиларига шу ҳақда тавсиянома, 5-9 синфлар учун «Одобнома асослари» қўлланмалари жойларга юборилди. Бундай янги фанлар учун ҳар бир синфларга ҳафтада бир соат вақт ажратилди. Булар маънавиятни кўтаришга катта имконият туғдиради.

Бундан ташқари, 1-4 синфларга «Иқтисод алифбоси», 5-8-синфларга «Иқтисод сабоқлари» махсус фанлар тарқибида, 9-12-синфларда «Иқтисодий билимлар асослари» киритилган. Булар шубҳасиз, миллий кадрлар тайёрлаш бўйича дастур талабларини амалга оширишга маълум даражада ҳисса бўлиб қўшилади.

Ҳуллас, Узбекистон халқ таълими вазирлиги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни яратиш ва амалга ошириш ишида фаол иштирок этишда давом этади.

ДАВРОН ШОДИЕВ — УЗПФИТИ ДИРЕКТОРИ, ПРОФЕССОР.

— Давлатимиз раҳбари, шаҳсан Президентимиз Ислом Каримов миллий кадрлар тайёрлаш дастурини яратиш ишига алоҳида эътибор бермоқда. 1997 йил 5 июлда ўтказилган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш» комиссиясининг йиғилишида Президентимиз янги кўрсатмалар берган эдилар. Мазкур йиғилишда таълим тизимидаги катта муаммолар ҳам тилга олинди ва уларнинг ечимини топиш вазифалари айтиб ўтилди.

Бизнинг илмий-тадқиқот институтимиз ҳам миллий кадрлар тайёрлаш дастурини яратиш ва уни амалга ошириш ишида фаол иштирок этмоқда. Турли фанлар дастурларини яратиш, унинг мазмунини асослаш, илмий изланишларни тажриба-синовдан ўтказиш, фан дарғалари, амалиётчилар фикр-мулоҳазалари, ғоялари асосида таълим дастурлари мазмунини янгилаш ва ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Педагогика, методика соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини замонавий босқичга кўтариш диққат марказимизда турибди. Бу борада амалиётчиларга илмий асосланган тавсиялар бериш муҳим вазифаларимиздан биридир.

Биз кўпинча Шарқ ва жаҳон педагогикаси энг илғор ютуқларидан ижодий фойдаланиб, келажаги буюк давлатимиз кадрларини ҳар томонлама қуроллантириш ишига маънавиятни кўтариш орқали эришамиз, деб ўйлаймиз.

Миллий кадрларимиз асосан Узбекистон тарихини яхши биладиган, миллий меросимиздан тўла баҳраманд бўладиган, Ватаним, элим деб жон куйдирадиган баркамол, руҳий жисмоний бақувват, соғлом, мустақил фикрлайдиган, ўз фикрини ҳар жойда ҳимоя қилишга қодир бўлгандагина жамиятимизнинг фаол аъзоси ҳисобланади. Бугунги кунда олимларимиз ана шундай фикрлайдиган миллий кадрлар тайёрлаш ишига ўз муносиб ҳиссаларини қўшиш учун интилмоқдалар.

Институтимиз олимлари томонидан бугунги кунга қадар «Мактабгача тарбия», «Бошланғич таълим» босқичлари, «Она тили ва адабиёти», «Ижтимоий гуманитар фанлар», «Аниқ фанлар», «Инсон ва жамият» каби таълим соҳалари юзасидан Давлат стандарти кўрсаткичларини ишлаб чиқдилар. Ана шу стандартлар асосида ўқув дастурлари ва янги дарсликлар яратилмоқда.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов шу йил 5 июлда Тошкентда бўлиб ўтган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш» комиссияси мажлисида билим олиш ўз йўлига, лекин болаларни эркин, мустақил фикрлашга ўргатиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бу эса барча фанларни ўқитиш жараёнида бўлажак миллий кадрлар — ёшларимизнинг оғзаки ва ёзма нутқини, мустақил, ижобий фикрлай олишини таъминлаш зарурлигини тақозо этади. Мана шу борадаги илмий-тадқиқот ишларимизни янги босқичга кўтариш муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади. Бунинг учун илмий-тадқиқот ишларимизни координация қилиш, тарқоқ ҳолда тадқиқот ишлари олиб борилишига барҳам берилиши зарур. Шунингдек, тадқиқотларимизнинг амалий аҳамиятини ошириш, янги дастур ва дарсликларнинг асосини белгиловчи янги, илғор ғояларни педагогик синовдан ўтказиб, унинг самарадорлигини оширишга жиддий аҳамият берилади. Бу таълим-тарбия жараёнининг бевосита ташкилотчилари, амалга оширувчилари учун ғоятда зарур.

Таянч таълим босқичидан ривожлантирувчи учинчи босқичда ўсмир ижтимоий турмушни аниқ бир соҳасига, касбларга йўналтирилиб, амалий ҳаётга тайёрланади. Бу миллий дастур талабларидан бири ҳисобланади.

Бу иккала ҳужжат жойларда катта қизиқиш уйғотди. Президентимиз ташаббуси билан бошланган «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари эрта-индин Олий Мажлис муҳокамасидан ўтади. Олий Мажлис депутатлари уларни кенг, қизғин муҳокама этиб, бир қарорга келадилар.

Халқимиз, жамоатчилик, маориф ходимлари, барча касаба уюшмалари аъзолари давлатимизнинг кадрлар сиёсатини маъқуллаб, ушбу ҳужжатларнинг қабул қилинишини сабрсизлик билан кутмоқдалар.

Суҳбатдош: Байт ТУРДИЕВ.

«Инсон манфаатлари — олий мақсад» кўрик-танловига

«БАХТ»НИНГ БАХТЛИ БОЛАЛАРИ

«1997 йилда 375 мингдан ортиқ бола дам олдирилиб, бунга 541 миллион сум сарфлансин»

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чоратадбирлар Дастури»дан.

Ҳозирги кунда давлат ва касаба уюшмалари олдида болаларни соғломлаштириш, республика генефондини яхшилаш долзарб вазифа бўлиб турибди. Узбекистон касаба уюшмалари тизимидаги ташкилотлар бу муҳим иш билан мунтазам шуғулланиб келмоқдалар. Фарзандларимизни сулим оромгоҳларда соғломлаштириш ва кунгилли дам олишини давр талаби руҳида ташкил этиш касаба уюшмалари фаолиятининг устивор йўналишларидан биридир. Айниқса, «Инсон манфаатлари йили»да унга катта эътибор берилмоқда. Узбекистон маҳаллий, мебель саноати ва коммунал -маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент вилояти қўмитаси ҳам болаларнинг ёзги дам олишини сермазмун ўтказишга бор имкониятни ишга солди.

Вилоят қўмитасига қарашли «Бахт» ва «Арча» болалар оромгоҳлари дам олиш мавсуми бошланишидан анча илгари тахт қилиб қўйилди. Таъмирлаш ишларига 3 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу икки оромгоҳда жорий йилда 1200 та бола дам олдирилди. «Бахт» болалар оромгоҳи Бустонлиқ туманининг баҳаво, ғўзал табиат қўйнида Чимён тоғи этагида жойлашган. Бу ерда 800 бола ҳам дам олиб, ҳам соғлигин мустаҳкамлади. Мавсумга пухта тайёргарлик кўрилгани туфайли, -дейди маҳаллий, мебель саноати ва коммунал маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти қўмитасининг раиси Тожихон Қобилова,- болаларни учинчи навбатга ҳам қабул қилиш имконияти яратилди. Маскан ошхонаси 200 болани бир вақтнинг ўзида овқатланишига имкон берадиган «Совпластитал» корхонасининг стол ва ўриндиқлари билан таъминланди. Қисқаси, болаларнинг дам олишини қизиқарли ва мазмунли ўтказишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Дам олувчилар кунига 5 маҳалдан овқатланадилар, тиббий хизмат кўрсатиш шахобчаси, чўмилиш ҳавзаси, спорт майдонлари улар ҳизматидадир. «Оромгоҳимизда ,- дейди ушбу маскан бошлиғи Жиянбек Тоғаев, - Тошкентдаги «Узсувоқава», «Вилоятгаз» ва коммунал хизмат кўрсатиш бирлашмаси ходимларининг болалари дам олишмоқда. Озиқ-овқат «Чирчиқсавдо» ташкилотига қарашли дуконлардан «Енбек», «Янги овул» жамоа хўжаликларидан эса гўшт, мева, сабзавот ва полиз экинлари келтирилаяпти. Шунингдек, Ғазалкентдаги нон, сут ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнаттанмиз».

Биз оромгоҳнинг бош етакчиси А.Одилова ва бош тарбиячи Т.Ўринбоеванинг иш режаси билан танишганимизда, унда болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи турли қизиқарли мавзуларнинг, тарбиявий жараёнининг хилма-хиллигига, уни амалга оширишда тарбиянинг турли воситаларига мурожаат қилинаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, «Мен Узбекистонда яшайман», «Она юртимни севаман», «Алло, биз иқтидорлиларни излаймиз», «Қўшиқ айтишда ким ўзади», «Қувноқ стартлар» каби кеча, кўрик-танлов, спорт ўйинлари фарзандларимизда катта таассурот қолдирди. Бундан ташқари, дам олувчиларга кунора бадиий фильмлар кўрсатиб турилди. Оромгоҳда макраме, хор, чолғу соз, спорт тўгараклари фаолият кўрсатиб келди. Айниқса, «Амалий санъат» тўгарагининг ишлари мақтовга сазовордир. Унда болалар табиат инъомларидан фойдаланиб, турли мавзуда ҳайкалчалар, жонли бурчак ўзлари тўқиган буюмлардан иборат кўргазмаларни ташкил этганлар. Арча пўстлоғи, тухум пўчоғи, усимликлар баргидан ясалган 2х2 ли ҳажмдаги Узбекистон герби кишини ҳайратда қолдиради. Тарбиячилар ва болаларнинг кучи билан «Маънавият ва маърифат» хонаси ташкил этилган. Қайинзор, Гул конга саёҳат, Қувноқ экспресс, Шарқий бозор, хайрлашув концерти ва гулхани болаларнинг ёдида узоқ сақланади. Дам олувчилар оромгоҳ ошпазлари Марат Санаев, Баҳодир Ҳакимов, Раъно Абдуллаева, Лена Попова каби тарбиячи, отряд етакчилари, мусиқа раҳбари Юрий Журавлевнинг хизматларидан мамнундирлар.

- Оромгоҳда учинчи марта дам олишим,- дейди Тошкент шаҳридаги 211-ўрта мактаб ўқувчиси Динора Санталина.- Менга бу оромгоҳ жуда ёқди.

Динаранинг бу фикрини Тошкентдаги 64-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Шаҳло Пардаева ҳам маъқуллади. Оромгоҳнинг ёпилиш кунидаги концертда Шаҳлонинг «Хумо қуш» ўйини дам олувчилар, ота-оналарга катта завқ бағишлади.

«Бахт» оромгоҳида соғломлаштириш мавсумининг учинчи навбати якунланди. Унда дам олган бахтли болалар кунгилли ҳордиқ чиқариб, ота-оналари бағрига соғлом қайтдилар. Ҳадемай уларни мактабларнинг биринчи кунгироқлари илм олишга чорлайди.

Шавкат ЁҚУБОВ



Тошкент Мустақиллик байрами арафасида

Касаба уюшмалари ҳаёти

МАБЛАҒЛАР ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА

Яқинда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ҳоразм вилоят қўмитасининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда муҳокама қилинган «Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси ташкилотлари Узбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда юқори касаба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида чиқарган қарорларининг бажарилиши устидан назорат қилиш, уни бажарилишини таъминлаш борасида касаба уюшма қўмиталари раисларининг вазифалари тўғрисида»ги масала пленум қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Пленумда вилоят тармоқ касаба уюшмасининг раиси М.Абдурахмонованинг маърузаси тингланди.

Маърузачи тармоқ касаба уюшмаси қўмиталари бугунги кунда бу долзарб масалани ҳал этиш йўлида қилаётган ишлари бўйича ёрқин мисоллар келтирди ва шу ўринда таълим-тарбия тизимининг камчиликлари, тармоқ ходимлари олдида талаба ва ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимояси масалаларида яна қандай вазифалар турганлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

Бу камчиликлар аввало мактабларимиз, ўқув даргоҳларимизнинг моддий базаси талаб даражасида эмаслигидадир. Айрим тармоқ ташкилотлари ва муассасаларида ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, қонун ва фармонларнинг бажарилиши назоратини кучайтириш зарур.

Сўзга чиққан пленум қатнашчилари бозор иқтисодиётига мослашган шароитда ночор, кам таъминланган оила фарзандларига ёрдам қандай бўлади, узоқдан қатнаб ўқийдиганлар учун етоқхона ёки интернат борми, уларнинг овқатланиши қандай бўлади, деган саволларни муҳокамага қўйдилар. Умуман таълим-тарбия тизимида ислоҳотларни қатъий йўлга қўйишда ечимини кутаётган муаммолар борлигини айтиб ўтдилар.

Ундан ташқари, пленум қатнашчилари республиканинг «Таълим тўғрисида»ги янги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисида ҳам сўз юритилиб, уларнинг ижтимоий аҳамиятини янада кучайтиришга оид таклифлар киритдилар.

Пленумда тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси И.Абдуганиев қатнашиб сўзга чиқди.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси ўз сўзида бугунги кунда касаба уюшма қўмиталарининг олдида турган вазифалар, уларнинг бажарилишини таъминлашда имконият йўлларини батафсил тушунтириб берди.

Мисол учун давлат томонидан касаба уюшмаларига ишониб топширилган ижтимоий сугурта маблағларининг 2 фоизини ходимларни соғломлаштириш учун йўналтирилгани, ушбу маблағлар тармоққа қарашли бошлангич ташкилотлардан тўппа-тўғри транзит ҳисоб рақамлари орқали тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашлари ҳисобига келиб тушиши ўқтириб ўтилди. Шунингдек, тармоқ ходимлари пленумда маҳаллий ҳокиятлар, халқ таълими органлари, ўқув юртлари раҳбариятлари билан ҳамкорликда талаба ва ўқувчиларнинг дам олишлари ҳамда соғлиқларини тиклашлари учун дастурлар ишлаб чиқишлари лозимлигини, педагог ходимларга йил давомида (қиш, ёз ва куз) кузда тутилган таътил даврларида дам олишлари ва соғлиқларини тиклашлари учун шароитлар яратиб беришга эришишларини, сметада кўрсатилган маблағларни оймаой вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан ўз вақтида тармоқ касаба уюшмаси ҳисобига ўтказиб турилишини назорат қилиб боришни ўқтириб ўтилди.

Таваллуд АЪЛАМОВА

Қарор ва ижро

ЁҒ КЎПАЯДИ

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг янгича фикрлаш, янгиликка интилиб яшашгина тараққиёт гарови эканлиги ҳақидаги аниқ кўрсатма ва йўл-йўриқларига амал қилинаётганлиги тармоғимизда ижобий самаралар бераяпти.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 июлдаги «Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси зиммасига ҳам алоҳида маъсулият юклади. Қарорда таъкидланганидек, озиқ-овқат маҳсулотларидан, жумладан, усимлик ёғи мувофиқлик ва сертификатлари бўлмаган ҳолда, белгиланмаган жойларда ва жиҳозланмаган савдо нуқталарида санитария ва савдо қоидаларига риоя этмасдан жисмоний ва юридик шахслар томонидан сотилаётгани аҳоли норозиликларига сабаб бўлаётган эди. Деҳқон бозорлари атрофида гала-гала ёғфурушлар тўдаси савдо қилишаётганини кузатиш мумкин эди. Ёғларни ишлаб чиқарган корхонаси, сифати, истеъмолга яроқлилиги сўралса, ёғфурушлар кичик корхоналар очилгани, талбиркорликни йўлга қўйганлиги, мойжувозлари ишлаётгани каби сабабларни рўкач қилишарди.

Маълумки, чигитдан ёғ ишлаб чиқаришда унинг таркибидаги госсипол деган заҳарли модда фақат ёғ-мой корхоналарида иссиқ сув буғи таъсирида бирикма ҳолатига айлантириб олинади, холос. Кичик корхоналар, цехлар, мойжувозлар бунинг уддасидан чиқолмайди, тайёрлаган ёғларида госсипол эркин ҳолда ёғ ва қунжаралар таркибига ўтиб, истеъмол қилган одамларни, чорва моллларини заҳарлаши табиий. Уюшмамизнинг бу ҳақдаги ахбороти билан Вазирлар Маҳкамаси шу йилнинг 13-мартида махсус фармойиш чиқариб, 15-мартдан эътиборан чигитдан ГОСТ талабларига жавоб бермайдиган ёғ ишлаб чиқараётган кичик корхона ва цехлар фаолиятини тўхтатишни Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ҳокимликларига, Давлат истиқболстат, Молия, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Соғликни сақлаш вазирликларига, Узбекистон давлат стандартига ва бизнинг уюшмамизга топширди. Лекин кўп жойларда бу қарорга амал қилинмаганлиги усимлик ёғи савдосидаги тартибсизликка чек қўйолмади. Охир оқибат ҳукуматнинг июль ойидаги 373-сонли юқорида қайд этилган қарори асосида усимлик ёғлари фақат турғун савдо нуқталарида сотилиши таъминланди.

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмасига қарашли ёғ-мой корхоналари (19та)нинг қуввати республика аҳолисининг усимлик ёғига бўлган эҳтиежини тўла таъминлаб қолмай, четга экспорт қилиш имкониятига ҳам эга. Бироқ хом ашё етишмаслиги сабабли йилига 1—1,5 миллион тонна чигитни қайта ишлайдиган қувватлар тўхтаб турибди.

Аҳолининг эҳтиёжи усиб бораётган ҳозирги шароитда хом ашёнинг анъанавий бўлмаган турларини етиштириш ва ишлаб чиқаришга жалб этиш энг долзарб масалалардан биридир. Шунга кўра ёғ-мой корхоналаридаги мавжуд технологияларни соя, махсар, зигир, қунжут, кунгабоқар уруғларини қайта ишлашга мослаштириш чора-тадбирлари кўрила бошлади. «Андижонёғ» ва «Асакаёғ» ҳиссадорлик жамиятларида соядан, Каттақўрғон ёғ-мой ҳиссадорлик жамиятида махсардан ёғ олинмоқда.

Андижон вилоятида бу йил бўгдойдан бўшаган 1,5 минг гектар ерга соя экилиб, парвариш қилинмоқда. Гектаридан 20—25 центнердан ҳосил олиш кутилмоқда. Соядан 19—22 фоиз ёғ чиқади. Ҳозирда дунё миқёсида аҳолининг усимлик ёғига бўлган талабининг асосий қисми соя дони орқали қондирилмоқда. Унинг таркибида инсон организми учун жуда зарур бўлган ўнлаб моддалар борки, бошқа усимлик ёғларида уларнинг ярми бор холос. Соя уруғида оқсил миқдори товуқ гўштига қараганда 14 марта, тухумга қараганда 4 марта, мол гўштига қараганда 3,5 марта кўпроқдир. Шуни ҳисобга олиб, андижонлик бир гуруҳ мутахассислар Краснодар ўлкасида бўлишиб, соя етиштириш, уни йиғиштириш, соядан ёғ ва бошқа маҳсулотлар олиш йўлларини ўрганиб келдилар. Эндиликда орттирилган тажриба қўлланяпти. 1998 йилда Андижон вилоятида 30 минг гектар ерда соя етиштириш мўлжалланяпти.

Энди ёғдор махсар усимлигига келсак. Бу усимлик 1995 йилдан бери етиштирилаяпти. Бу йил Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида 4000 гектар лалмикор ерда махсар етиштирилди. Вилоят бўйича 18 минг гектар ердан ҳосил олинди. Махсар донидан ҳозирда Каттақўрғон ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти ёғ ишлаб чиқармоқда. Бу экиндан суғориладиган ерда ҳам ҳосил олиш мумкин. Ундан 28—35 фоиз ёғ чиқади, қолдигидан совун, алиф, бўёқ сингари маҳсулотлар олиш мумкин. Самарқандликлар келаси йилда махсар етиштиришга бу йилгидан икки марта кўп ер ажратмоқчилар.

Юқорида қайд этилган ишларнинг натижаларига асосланиб, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси 1998 йилда соя ва махсар дони етиштирувчи хўжаликлар билан шу йилнинг охирги чорагида шартнома тузишни, олдиндан аванс утказиб (фьючерс асосида) уруғлик билан, агротехника билан таъминлашни режалаштирмоқда. Ёғлор усимликлар уруғларининг заҳиралари кўпайса, юртимиз аҳолисининг усимлик ёғига бўлган эҳтиежи қондирилибгина қолмай, балки ёғларнинг бу турларини четга сотиш имкониятлари ҳам яратилади.

Ҳозирда Узбекистонимизда катта шодиёнага — Мустақиллигимизнинг 6 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирлик бораяпти. Уюшмамиз корхоналари тўйга тўёна сифатида барча имкониятларни ишга солиб, йил бошидан бери 15389.0 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқардилар. Республикамизда пахта йиғим-терими бошланди. Корхоналар янги ҳосил чигитидан ҳам ёғ тайёрлашга шай бўлиб турибдилар. Тармоқда бир қатор янги маҳсулотлар яратилди.

Жумладан, «Қўқон ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти шафтоли мойи тайёрлашни ўзлаштирди. Ажойиб таъмли ва шамоллашга қарши ҳусусиятларга эга бўлган бу маҳсулот камёб чаканда ёғи ўрнини боса олади. Бу ёғ 40 ва 90 граммли шиша идишларда чиқарилаётир. Шафтоли ёғи фирма дуконларида ва дориҳоналарида сотилмоқда.

«Қўқон ёғ-мой» ҳиссадорлик жамиятида шунингдек глицеринни 50 ва 100 граммли шишачаларда чиқариш бошланди. У ҳам дори сифатида сотилаяпти.

Янги маҳсулотлар турини кўпайтириш ва таърифини шарҳлаш асосида «Равшан» ҳиссадорлик жамияти ишини алоҳида тилга олса арзийди. Бу жамиятнинг автонақлиёт корхонасида антифриз ишлаб чиқарила бошланди. Бу маҳсулотга маҳаллий бозорда, айниқса йилнинг совуқ мавсумида талаб жуда катта.

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси Аргентинанинг «Сурт А.С.» фирмаси билан шартнома асосида Узбекистон набототининг доривор хушбўй усимликларидан махсус доривор-чойлар тайёрлашга ва қадоқлашга киришди. Доривор усимликлар қуритилиб, майдаланиб худди чой шаклида қутичаларга қадоқланиб чиқарилаяпти, уни чойга ўхшатиб дамлаб ичилади.

«Учқўрғон ёғ» ҳиссадорлик жамиятида йилига 55 тонна ўт чой ишлаб чиқариш ва қадоқлаш қувватига эга бўлган ускуналар монтаж қилинди.

Тошкентда ҳам чой тайёрлаш ва қадоқлаш ускунаси ўрнатилган. Унда тайёрланган чой сифат жиҳатидан жаҳон стандартларига тўла мос тушмоқда.

Маълумки, Марказий Осиёда анъанавий ичимлик ҳисобланган чойга талаб ҳамиша катта. У четдан келтирилади. Хусусан, Узбекистонда чой усимлиги етиштирилмайди. Уни Грузия, Ҳиндистон, Ҳитой, Индонезия ва бошқа мамлакатлардан катта маблағлар эвазига олиб келинаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шунга кўра Узбекистоннинг наботот усимликларидан чойнинг янги хилларини кўплаб тайёрлаб импорт ўрнини қоплашга ҳаракат қилинса ҳам иқтисодий жиҳатдан фойда, ҳам фуқаролар сиҳат-саломатлигини сақлаш таъминланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, уюшмамиз тармоғида халқ учун зарур бўлган маҳсулотларнинг янги хилларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан юртимиз мустаққиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш асосий шиоримиздир.

Азамат ЖАМОЛОВ,
Узбекистон Республикаси «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раиси.

ОИЛА ДАВРАСИДА

Ислом динида оилани мустаҳкамлаш ҳақида сўз борар экан, унда келишмовчиликлар ҳам ҳисобга олинган. Уша келишмовчиликларни шаръий асосда бартараф этиш ҳам белгиланган. Оилага никоҳ билан асос солинганидек, ноилож қолган пайтда талоқ билан уни бузишга ҳам ижозат берилади. Тўғри талоқ сўнгги чорадир. Пайғамбаримиз Муҳаммад САВ ўз ҳадисларида шундай деганлар: «Ислом нуқтаи назаридан бирон бир ерда талоқ қилинса, Аллоҳнинг арши ларзага келади». Демак, эр хотинини талоқ қилишга асло шошилмаслиги керак.

Маълумки, исломда никоҳ — фароғат — барқарорлик ва осойишталик асосидир. Бунда оила аъзолари бир-бирларининг айбини беркитадилар. Шу аснода бир-бирини тушунган ҳолда уйғунлик вужудга келади. Тан олиш керак, ҳамма оилаларда бирлик — уйғунлик рисоладагидек булавермайди. Эр-хотин ўртасига совуқчилик тушади, муросалари келишмай қолади. Турли сабабларга кўра эр-хотин бирга турмуш қуришни хоҳламай қолишади. Борди-ю аёл кишида эрга нисбатан ҳурматсизлик пайдо булса, унга насиҳатлар қилиб, бундай қилишлик яхши эмаслиги тушунтирилади. Бу ҳам таъсир қилмаса, эр жойини бошқа қилиб етади ва аёлига гапирмайди. Бу чора ҳам фойда бермаса, эр-хотиннинг қариндошлари уларни яраштириб қўйишга ҳаракат қилиши керак. Юқоридаги чоралар ҳам наф бермаса, эр-хотиннинг бирга яшаши азобу уқубатга айланса, ана шундан кейингина талоққа рухсат берилади. Ислом дини эркакка уч талоқ ҳаққини берди, лекин аёлга зулм қилмасликка даъват этди. Уч талоқ қуйди, дегандан кейин эр-хотиннинг бирга яшаши мумкин эмас. Фақат хотин бошқа эрга тегиб, оддий оилавий ҳаёт кечирса-ю, уша эри вафот этса ёки у хотинни талоқ қуйса, шундагина олдинги эри билан ярашиши мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, талоқни яхшилик билан амалга ошириш ҳам исломий таълимотларда таъкидлаб ўтилади. Мисол учун бир аёл талоқ қилинди, дейлик. Шунда у уч марта ой кўриш муддати ичида уйида утирмоғи лозим. Учинчи покланиш охирлаб қолганида, эр хотинига насиҳатлар қилиб, яна ярашиб олиши мумкин. Шунда оилавий ҳаёт яна давом этаверади. Яхшилик билан, хотинга таъна қилмасдан ва турли зарарлар етказмасдан, амалга оширилиши, яъни узр сураб, совғалар бериб ярашиб олмоқ керак. Айтилган муддатда ярашиб олиш нияти бўлмаса, ажралиш амаллари ҳам яхшилик билан амалга оширилиши керак. Тушунмаган кишилар, шундай пайтда бир-бирларини дунёдаги бор ёмонликлар билан айблайдилар. Бунга асло йул қўйиб бўлмайди. Утган аҳли солиҳ кишилардан бири ўз хотинини талоқ қилганида, айрим одамлар у кишидан нима учун шундай қилгани сабабларини сурашибди.

«Нима учун айбини очишим керак? — дебди ҳалиги зот. — Агар қайта ярашиб кетсам ўз хотинимни ёмонлаган буламан, ярашмасам, ўзганинг хотинини ёмонлаган буламан,» — деган эканлар. Шариат бўйича ажрашаётганлар хотинга совғалар бериши жорий қилинган. Бу бошига мушкул тушган аёл кўнглини кўтаради ва одамларда турли ёмон фикрлар туғилишидан ҳам қайтаради. Фалончи ўз хотинига совғалар бериб ажрашипти, — демак, ўзаро ўзрли сабаблар бўлса керак, деган хулоса чиқарадилар.

Хотинга насиҳатлар қилиб ярашилса, ёки ажрашиб кетилса, мусулмонлардан икки кишини гувоҳ қилиш лозим. Аввало бу адолатли шоҳидлар яхши амалли кишилар бўлади, улар доимо ҳақиқатни ёқлайдилар. Эр-хотинни ярашиб кетишига ҳаракат қиладилар. Улар ҳар икки томоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қиладилар. Гувоҳларнинг адолатли бўлиши лозимлигини шарт қилиб, Аллоҳ таоло амр қилиб айтадики, талоқ қилган хотинингизни ҳам ўзингиз яшаб турган маконда яшаши учун шароит яратиб беринг, талоқ бўлди, деб маконингиздан чиқариб юборманг. Яхши жой бўлмаса ҳам яшаш мумкин бўлса булаверади. Талоқ қилинган хотин хомиладор бўлса, у туққунча нафақа бериб бориш керак, нафақа — бу таом, кийим-кечак, яшаш учун жойдир. Талоқ қилинган хотин ҳоҳласа туққан боласини эмизгани учун ҳам эридан нафақа олиши мумкин. Қийинчилик бўлиб қолса, эр бошқа аёл билан шартнома тузиб, ҳақ тўлайди ва у аёл чақалоқни эмизади. Ислом дини аёлларни қанчалик аэъозлаганини ушбу ҳукмдан ҳам билиб олса бўлади.

Нафақа ҳақи қанча бўлади, деган савол туғилади. Нафақа ҳақи эрнинг имкониятига қараб белгиланади. Оллоҳ ҳам ортиқча нарса талаб қилмасликни амр этади. Бу масалада ҳам ислом дини батафсил кўрсатмалар берганки, бир мусулмон-мўмин шуларни яхши ўрганиб, амал қилишга ўтса, оила бузилишининг олди олинган бўлади, қолаверса, илож қолмаган пайтда ажрашиш ҳам бир-бирини ҳақорат қилмаган ҳолда иззат-ҳурмат йўқолмасдан юзага келади, ҳамма нарса яхшилик билан тугайди. Ният қилайликки, азизлар, оиламизда бундай ажралишлар асло юз бермасин. Оллоҳ ўзи паноҳида асрасин.

Тухтабой масжиди имом хатиби Муҳаммад Латиф Жуманов маърузаси асосида Шомаҳмуд Шобилолов тайёрлади.

Одамийлик сабоқлари

СОВҒА БЕРИБ АЖРАЛИШ

ёхуд мусулмончиликда никоҳни бекор қилиш шартлари

ОНАЛИКНИНГ ТЎРТ ҚОИДАСИ

Ҳар бир қиз-жувонга она бўлиш насиб этсин. Бироқ оналикнинг ҳам муайян қонун-қоидалари мавжуд. Келгуси авлодларнинг тақдири кўп жиҳатдан оналарнинг қўлида. Айни замонда ҳаётимизда хотин-қизларнинг беқиёс ўрни борки, фарзанд кўраман деб, ўзларини ҳаддан ташқари қийнаб қўймасликлари керак. Бу борада тиббиёт ходимлари шундай маслаҳат берадилар:

биринчидан, токи йигирмага кирмагунча ҳомиладор бўлишга шошилманг;

иккинчидан, уттиз беш ёшдан кейин имкон борича ҳомиладор бўлмаслик чорасини кўринг;

учинчидан, фарзанднинг тўрттадан кўпи-кўп;

тўртинчидан, фарзандлар ёшидаги фарқ камида икки-уч йилни ташкил этса, нур устига аъло нур.

ИБН СИНО САБОҚЛАРИ

НАЪНО — ЯЛПИЗ

Ялпизнинг ширасини сиркага солиб ичилса, ичдан қон оқишини тўхтатади.

* * *

Ялпизни, айниқса, арпа уни билан қўшиб, бош оғриғига қарши пешонага қўйиб боғланади.

* * *

У билан дағалланган тилни ишқаланса, дағални кетказади.

* * *

Ялпизнинг ширасини асал суви билан аралаштириб оғриган қулоққа томизилади.

* * *

Қонталаш ва қон кетишини тўхтатади.

* * *

Ялпиз сариқ касалига фойда қилади.

* * *

Ялпиз гижжаларни ўлдиради.

* * *

Ялпиз, айниқса, унинг уруғи қутирган ит тишлаганида ишлатилса, фойда қилади.

САЪТАР — КАКЛИКУТ ВА БОШҚАЛАР

Какликут тизза оғриқларига фойда қилади.

* * *

Чайналса, тиш оғриғини тўхтатади ва бўшашган тиш милкига дори бўлади. Чунки у қуйдирувчи қувватига эгадир.

* * *

Ёғи кўкрак ва ўпкага фойда қилади.

* * *

Гижжаларни ва қовуқ уруғисимон гижжаларни кучли равишда ҳайдаб чиқаради.

* * *

Сийдикни ва ҳайз қонини юргизади.

САЗОБ — ГАЗАКУТ

Газакут сода билан қўшиб оқ доғ, сўгал ва тут шакли сўгалларга қўйилади.

* * *

Сариёғ ва асал билан қўшиб, эски яраларга қўйилса, тузатади.

* * *

Бурун қонаганда уни сиркага қўшиб бурунга тортилса, қонни тўхтатади.

* * *

Газакутни анор пўстида қиздирилган ширасини қулоққа томизилса, уни тозалайди, оғриғини, шанғиллашини ва ғувуллашини босади.

* * *

Газакутни бош яраларига ҳам сурилади.

* * *

Газакутни кўзга суртилса ёки уни ейилса, кўзни ўткирлаштиради.

* * *

Газакутнинг ҳўлини қайнатмасини қуритилган укроп билан ишлатилса, кўкрак оғриғига ва нафас олишнинг қийинлашганига фойда қилади. Ўпка ва бўкин оғриқларига, қобирга оғриқларига фойда қилади.

САМАК — БАЛИҚ

Жиррий балиғининг ёнгиси ўпка найини тозалаб, овозни тиниқ қилади, унинг тузлангани ҳам шундай.

* * *

Тузлаб қуритилган майда балиқнинг боши шишган тилгача фойда қилади.

* * *

Балиқ елимини аталага солинса, қон туфлашни тўхтатади.

* * *

Тузлаб офтобда қотирилган майда балиқнинг боши орқа тешик ёрилишига яхши даводир.

* * *

Ичагида яраси бор киши касаллиги бошланаётган вақтда тузланган жаррод балиғи тузининг сувида ўтирса фойда қилади.

* * *

Тузланган самарус балиғининг бошини қуйдириб, қутирган ит тишлаган ва чаён чаққан ерга қўйилса, фойда қилади. Бошқа ҳамма балиқлар ва уларнинг шурваси ҳам шундай.

Ўзингизнинг даволанг

БУЙРАК ОҒРИГАНДА

Иссиқ жонмиз, бирдан буйрак безовта қилса, ёруг жаҳон кўзга қоронғу бўлади, қолади. Маълумки, буйрак фаолияти бузилса аввало юракка катта таъсир кўрсатади. Шу боис буйракни даволаган юракни ҳам даволаган бўлади. Кечки пешобингизни ўрта қисмини 50 гр. — 200 гр.га ичасиз. Пешобни ичганингиздан кейин 2 соат овқат емай туриш лозим. 6 ой ана шу тартибда буйрак муолажасини амалга ошириш зарур. Бу усул билан нафақат буйракни, балки ҳатто ошқозон ости бези ва бошқа хасталикни ҳам даволашга муваффақ буласиз.

Буйракни даволашда иккинчи усул ҳам мавжуд. Бир ош қошиқ қовурилмаган ошқовоқ донини 2 стакан қайнарган сувга солиб, дамланади. Чойнак совиб қолмаслиги учун яхшилаб ураб қўйилади. Кунига ана шу дамламадан 3 марта 1/2 стакан миқдорида ичилади. Мазкур дамламадан кўп ичиб юриш керак.

Маълумки, пешоб буйракни қумдан тозаласа, қовоқ уруғи унинг шамоллашини даволайди. Кашнич ва тарвуздан еб турилса ҳам буйрақлаги тошни суриб чиқаради.

Мария БОРЗИХ.

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

ТАВОЗЕЛИК КИШИ

Бир азиз комил авлиёни бир нодон нопухта кимса чиркин лафзлари ила сўкди, ул азиз тахаммулла ўлди. Айтишларким, ул азизи комил Ҳазрат Шайх Шиблий эдилар, сўккувчи Абдураҳмон бин Маъсуд эди. Ул икки кимса Бағдод кўчасинда бир тўғрида сўзга келдилар. Ҳазрат Шиблий ҳақ сўзини айтур эди, Абдураҳмон бузуқ сўзларни айтур эди. Охир оқибат ҳазрат Шиблийнинг соқолиндан тутиб, чиркин лафзлар ила сўкди. Ҳазрат Шиблий жавоб бермади, бўйинсуниб тик турди. Ул сўккувчи кетганидан сўнг Шиблий ҳазратлари соқолини қўлига олиб, ўз-ўзини итоб айлаб, хитоб айлар эди: «Чатоқ юзлик нобакор ўлдинг, бу хор бўлганинг ўзингдандур, бошқадан эмас. Ва даҳи Шиблий ҳазратлари ўзига-ўзи итоб айлаб айтур эрди: «Ё тан шуминг, расволигингни эрта-ю-кеч кўраяпман ва ўзимга уят санинг сабабингдин ўлур. Сан шум ўзим билган тоат-ибодатга баҳодирлик айламадинг.

Бу мўминдан эшитиб келтур инсоф,
Накулар аҳлиман деб урмагил лоф».

Ва яна ўзига ўзи айтур эрди: «Ё Шиблий бу ўзингни сўккувчи мўминдан айбингни эшитиб, инсофга келгил. Бундан кейин ман аҳли салоҳдан деб қуруқ исм бирла йўқ лофни урмагил. Бас, бу улуғ кимса ўзини-ўзи бу қадар итоб айлаб, тавозелиқ айласа, бизларга такаббурликдан не фойда.

Агар сан қилмасанг нафсинг шикасти,
Етар сақолингга ҳар кунда дасти.

Яъни сан ўзингни ўзинг хор кўриб, нафсингни заифу хор тутмасанг, балки доим такаббурлик айласанг, одамийлар бирла гап талашсанг, соқолингга ҳар кунда одамлар қўлини чўзарлар ва халойиқ орасинда масхара ўлурсан.

ҲИКОЯТЧИ БИН МУБОРАК

Муборак ўғли бир кун изгишиб роҳ,
Ажойиб сувсаганда кўрди бир чоҳ.

Яъни ҳикоятда келтирмишларки, Абдулла бин Муборак бир кун Шомдан Мадина тарафига борганда йўлини топмай адашганда қаттиқ сувсади. Олдинда бир қудуқ кўрди. Абдулла бин Муборак кўнлида бир сўз кўркам ўлди: Не ажаб яхши бўлур эди бу Қудуғнинг челаги бирла ипи бўлса, шу фикр билан бироз хаёлга чўмди.

Ушал дамда бир оқу келди сувсаб,
Тошиб чиқди қудуғнинг оғзига об.

Яъни Абдулла бин Муборак бу фикрда бўлган замон бир оқ кийик сувсаб қудуқ қошига келди. Бу оқ кийик келгач, чуқур қудуқнинг суви тошиб юқори чиқди. Оқ кийик сув ичиб қонди, ўз йўлига кетди. Абдулла бин Муборак ҳазратлари оқ кийик сув ичгандан сўнг ичишга борди. Қудуқ қошига етар-етмас қудуғнинг суви пастга, аввалги ўрнига тушди. Абдулла бин Муборак бу ишлардан ҳайрон бўлиб, Аллоҳ таолога нидо қилиб деди:

Деди ёраб, берурсан оҳуга об,
Манга бермассен эй султони ваҳҳоб.

Яъни Абдулла бин Муборак Ҳақ таоло Ҳазратларина муножот айлаб айтдики, Ёраб, оқ кийикка челак ва ипсиз сув берурсан, эй раҳматларни бағишлагувчи каримуллоҳ, ҳолбуки ҳар иккимиз сенинг бандаларингмиз. Не учун они андоғ, мани мундоғ айладинг? Ғойибдан кўркам юзлик Абдулла бин Муборак ҳазратларига овоз келди: Санга онинг учун сув бермадим. Зероки, сен қудуқни кўрганингда тилинг челак билан ипга борди. Бизни унутдинг, аввало биздан ёрдам тиламадинг. У сувсаб келган оқ кийикни кўрдинг, аввал амрда бизга назар айлади ва деди: Ёраб, мани турлик неъматларинг бирла қуноқ айладинг, бу сувинг бирла ҳам меҳмон қил, деди. Челак билан ипни қўнглига келтирмади. Сан борғил, сувни челак билан ипдан сурагин деб итоб қилди. Бу овозни эшитгач, Абдулла бин Муборак Аллоҳ таолога ушшоқ бўлиб, сувсамоғи ёдига келмади. Ул ҳазрат аввалда ҳам тақводор эрдилар, бундан сўнг юз онча ортуқ тақволиг бўлдилар.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.

Ватаннома

ДУСЯ ХОЛАНИНГ ЎЗБЕКОНА ҚАЛБИ

Биз яқинда 41-мактабнинг «Меҳрибонлик» гуруҳи аъзолари билан Дуся Соловёванинг хонадонига ташриф буюрдик. Уқувчилар бу ўйда ёлғиз яшайдиган кампирнинг Сибирдан эканлигини билишар, аммо сурашга ботинолмас эканлар.

Дуся холанинг тили ҳам, дини-ю, қийган кийимлари ҳам ўзбекча. Биз аввало холанинг соғлиги билан қизиқдик. Унинг буюрган ишларини бажариб, уй ичкарисини, ҳовлисини тозалагач, холанинг атрофига жамул-жам бўлиб ўтирдик. Сўнг ундан нима учун бу юртларга келиб қолганини сурадик. Холанинг оёғи оғриғани учунми, ёки соғинчданми, билмадим, бошини хонтахтага тираганича гапиришга тутинди:

— Эй менинг гамхўр болажонларим, аввало сизларга айтиб қуяй. Сизлар ўз ота-онангиз, она Ватанингиз бағрида яшаяпсизлар. Шунинг ўзи сизлар учун катта бахт. Мен 1920 йил Сибирда рус оиласида дунёга келдим. Биз оилада икки қиз, 1 ўғил эдик. 8 ёшга етганимда ота-онадан ажраб, етим қолдим...

Дуся хола шундай деди-ю, кўзларига дув-дув ёш келди. — Шундан сўнг қариндош-уруғларимиз, мен, опам, акам Ўзбекистонга келдик. Мен ўшанда ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, ғамхўрлигига қойил қолдим. Биз Наманганнинг Чуст шаҳарчасида қолишга жўрьат этдик. Уша пайтларда мен ўзбек буламан, ислом динига кираман, деб ният қилган эдим. Бир мулланинг уйида ислом динини иштиёқ билан ўргана бошладим. Устозим менга жами сабоқларни бериб бўлгач, Бувайдалик бир ўзбек йигитига никоҳлаб, турмушга узатди. Лекин, бахтга қарши турмуш ўртоғим билан ҳам узоқ яшай олмадим. Маҳалла хотин-қизлар кенгаши мени Бачқир пахта пунктига ишга жойлаштириб, яна ҳовли ҳам олиб берди. Уша ерда ишлайвердим. 1941 йил уруш бошланди. Очарчилик. Кўп қатори жуда оғир кунларда яшардим. Йиллар ҳам ўтди. Тақдир тақозоси билан бу орада ўша пунктта ишлайдиган Қўқонбой исмли йигитга турмушга чиқдим.

Мен унинг кўзларидан дув-дув оқаётган ёшни кўриб, юрак бағрим эзиларди. Холанинг ҳикоясини тинглаётган уқувчилардан бири уни яна саволга тутди: — Холажон, Она юртингизни қўмсайсизми?

— Болагинам-ей, худойимга беадад шукрки, Ўзбекистонни ўз юртим деб ҳисоблайман Сизларни, қуни-қушниларни тинимсиз дуо қилиб чарчамайман. Умрларинг узоқ бўлсин, илоё! Махсус аравача беришди. Пенсияларимни вақтида олиб турибман. Раҳмат. Аммо барибир Сибирга бориб, ўз қавмларим, опа-акаларим билан бир суҳбатлашиб қайтиш азалий орзуим, юракдаги армоним.

Дуся хола Соловёванинг ҳикоясини тинглар эканмиз, Ватан ва юрт соғинчи нақадар улуғлигини яна бир бор ҳис этдик. Аччиқ қисмат боис Ўзбекистонга келиб, ярим асрдан буён диёримизда яшаб келаётган Дуся холага сабр-тоқат, бардамлик тилаб, истар-истамас хайрлашдик.

Мақсуда Уктамова, Бувайда тумани.

«Ишонч» устахонаси

ШАШКА ЯСАГАНДА

Шашка завқли ўйин. Толиққан асабларга дам бериб, асаб ташвишларидан бир дам бўлса-да, чалғитади...

Шашка керак деб кўчага чиқдингиз, Сотувда қиммат. Ўзи оддий ва арзимаган бўлса! Хўш, уни ўзимиз ясай олмаймизми? Албатта ясай оламиз. Бунинг учун 3—4 смдаги рейкани рандалаб, думалоқ шаклга келтирилади. Махсус дастгоҳга тик ҳолда маҳкам ўрнатилади. 25, 30 ва 32 диаметрли ўлчам билан паргай ёрдамида из туширилади. Қалинлиги 1 смдан ўлчаб, арра олинади. Мана шу тарзда шашка донаси тайёрланади. Шашка тахтаси картон, ёки фанерга чизиб олиб, у лакланса ёхуд буяб қўйилса ўйинни бошлайвериш мумкин. Негаки, шашка доналари ҳам, шашка тахтаси ҳам тайёр.

Анвархон АҲМАДҚОРИ ўғли,
олий тоифали ҳунар муаллими.



КЕЛИН ЎҒИРЛАШ

Расмий маълумотларга қараганда, Намибияда ўн бир элат истиқомат қилади. Ана шулардан бири — оваимба бўлиб, сизларга қабиланинг никоҳ маросимлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Маҳаллий деҳқон Музарима Кавари ўзларининг никоҳ маросимлари ҳақида шундай сўзлайди: «Қадим замонларда лобола — келин учун қалин — чорва, турли рўзғор буюмлари билан туланар эди, ҳозир эса бир неча шиша ичкилик қалин ўрнига ўтаверади. Оваимбалар одати бўйича келинни қуёвнинг отаси танлайди. У ишни келиннинг ота-онаси билан битиради. Узаро бўлажак қариндошларини кейинроқ келишини тайинлаб кузатиб қўйишади (яъни келин унашилади). Музокаралар анчагача давом этади, айни пайтда қизнинг фикри инобатга олинмайди. Ниҳоят, битимга келишгандан сўнг қурбонликка қўй сўйилади. Шундан сўнг келиннинг ота-онаси, албатта қуёш ботганидан кейин қуёвнинг кулбасига ташриф буюрадиларда, унинг ҳузурида тиз чўкишади. Бу — янги қариндошлик алоқаларига ҳурмат белгисидир. Одат бўйича куёв ва келин бир кулбада танҳо тунаб қоладилар, аммо улар кўрпа вазифасини ўтовчи поҳол тўшакда алоҳида-алоҳида ётишади.

Эртаси куни эрта билан куёв келиннинг кулбаси яқинида жойлашиб олади, отаси эса тўйга келадиган меҳмонларга таом тайёрлаш учун яна қўй суяди. Шундан сўнг тўй тантанаси бошланади. Бир гуруҳ эркаклар келинни олиб кетиш учун бақириб-чақириб қўшиқ айтиб, келин жойлашган кулбага «бостириб» киришга ҳаракат қиладилар. Хотин-қизлар астойдил уларнинг ҳужумига қаршилик кўрсатишади. Олишув вақтида рақиблар ҳатто бир-бирларини ерга қулатиб ҳам юборишади. Бу ҳеч кимни ранжитмаслиги керак. Чунки келин ўғирлаш байрам тантанасидай ўтиши керак. Мабодо эркаклар қизни олиб кетишолмаса, улар хотин-қизларга товон тўлашга мажбур бўладилар.

Ниҳоят, келин қўлга киритилгач, муқаддас гулхан яқинига келишади. Шу ерда келиннинг отаси қизига ўз пойабзалини кийишига рухсат беради, бу ўйдан кетиши мумкин, деган маънони англатади. Энди навбат куёвга келади. Муқаддас гулхан олдида келиннинг қариндош-уруғларидан ташкил топган аёллар тўдаси қўлларида каркидон терисидан тайёрланган қамчи билан савалайдиларда, келинни олиб кетишга рухсат берадилар. Шундан сўнг умумий тантана остида келин ва қуёв янги яратилган кулбаларига кириб кетадилар-да, тинчгина ҳордиқ чиқарадилар. Шу билан тўй тантанаси тугаб, меҳмонлар уй-уйларига тарқайдилар.

Шуниси қизиқки, оваимба халқларида кўп хотинлик ҳамон учраб туради. Агар куёв яна уйланса бу маросим яна такрорланади.

Иззат АҲМЕДОВ
тайёрлади.

Бу қизиқ!

Биласизми?

ТАҚИНЧОҚ ТОШЛАРИ...

***Хальцедон-** ранги оқ, кулранг, ҳаворанг. У одамларни қаҳр, ғазаб, қайғу ва андуҳ каби нохушликлардан асрайди.*

**

***Феруза-** зангори, ҳаворанг, яшил ҳаворанг. Ошқозон, кўз касаллиги ва илон чаққанида фойдали.*

**

***Сафсар -** маржон тўғнағич, илматугмалар ва балдоқлар ясалади. Сепкил ва ажинлардан асрайди, зеҳнни равшан қилади.*

**

***Марварид -** йирик хили дур деб аталади. Инсон организмини мустаҳкамлайди, юракдаги тушкунлик ва изтиробни ҳайдайди. Кўриш қобилиятини оширади.*

**

***Дур -** инжу деб ҳам аталади. Организмдаги тузларни теради.*

Насибахон ЖУРАЕВА тайёрлаган

ХАНДАЛАР

Кўзлари қизариб лоҳас бўлиб ўтирган эр хотинига деди:

— Кечаси билан сира ухлаёлмадим. Ит ҳуради, сен гапирасан:

— Нима, ит гапириб, мен ҳуришим керакмиди?

* * *

— Сен нима учун ишламаяпсан, — сўради уста шогирдидан.

— Биласизми, кеча туғилган кунга борган эдим. Кўп ичиб қўйибман. Қўлларим қалтираянти.

— Унда сен бугунча қум элай қол.

* * *

Нонушта пайтида хотини эрига деди:

— Биласанми, азизим, даволовчи шифокор менга Кисловодск ёки Сочида дам олишни маслаҳат бермоқда. Айт-чи: қайсинисига борсам яхши бўлади?

Эр:

— Бошқа шифокорга.

* * *

Эрталаб хотини эрига деди:

— Вой адажониси, сизга минг раҳмат, тушимда бўлса ҳам менга тилла соат тақдим қилибсиз.

— Шундай кўп ухлайдиган бўлсанг, ҳали бундан ҳам қимматбаҳо почапустинини ҳам совга қиламан.

* * *

Икки ўртоқ учрашиб қолишди.

— Дўстим, табриклайман, уйланганга ўхшайсан. Кийлагингдаги тугмалар жой-жойига қадалган.

— Тўғри топдинг. Яқинда уйландим. Хотиним менга ўргатган биринчи иш тугма қадаш бўлди...

Е. ШАВКАТОВ тўплаган.

БИЗ СОҲИБҚИРОН АВЛОДЛАРИМИЗ

«Ватанни севмоқ иймондандур»

Ҳадисдан.

Ватанни севиш ва қадрлаш, тупроғини кўзга суртиш, озодлиги ва мустақиллиги учун ҳар доим шай туриш қадимий Турон фарзандларининг доимо бош шиори бўлиб келган. Алпомиш ва Гўрўғли достонлари, Широқ ва Тумарис ҳақида тўқилган афсоналарда, яна қанчадан-қанча халқ оғзаки ижодига мансуб булган эртакларда қадимги довюрак юртдошларимиз тимсолида бу нарса ўзининг яққол ифодасини топган. Лекин қадриятларимизни ёш авлод онгига сингдириш, уларни қимматли анъаналаримиз руҳида тарбиялаш нақадар муҳим вазифа эканлигини ҳамма жойда етарли даражада тушуниб етиляптими?

- Бу нарса ишимизнинг бош дастурига айланган,- дейди шу мавзуда гап кетганда Наманган тумани мудофаа кумаклашувчи ватанпарвар ташкилоти кенгашининг раиси Турсунбой Каримов.- Зероки, ўз мустақиллигини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган ҳар қандай давлатнинг келажагига ишониш қийин. Бинобарин, бизнинг улуғ ота-боболаримиз Амир Темурдан тортиб мамлакат даҳлсизлигини таъминлаш масаласига доимо катта эътибор бериб келишган. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримов ҳам ўз миллий Армиямизни ташкил этиш чорасини кўрди. Бугунги кунда туманимиз миқёсида 80 дан ортиқ бошлангич ташкилот бўлиб улар мактаблар, бошқа турдаги ўқув тармоқлари, хўжаликлар ва саноат корхоналарида ўқиб-ишлаётган ёшлар ўртасида ўтмиш авлодларимизнинг меросини оммалаштириш, жисмонан чиниқтириш, спорт мусобақалари уюштириш ишларини олиб бормоқдалар.

Мактаблар ўқувчилари ўртасида ташкил этилган футбол ва волейбол мусобақалари ёш чақирилувчиларнинг жисмонан чиниқтириш, эпчил ва чаққон бўлиб вояга етишишларини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу йўналиш бўйича беллашувларда 2-,4-,12-мактаблар аҳолида фаоллик кўрсатдилар.

Мингбулоқ туманида уюштирилган картинг спорти беллашувлари ҳам ёшларимизнинг эпчиллик, довюраклик, ғоят қисқа лаҳзаларда топқирлик талаб қилинадиган спортнинг бу турида техника сирларини қунт билан эгаллаб боришаётганликларини намойиш этишди ва фахрли ўринлардан бирини забт этишга муваффақ бўлдилар. Биз спортнинг замонавий техника билан боғлиқ бу турини янада кенгроқ ривожлантириш йўл-йўриқларини ишлаб чиқмоқдамиз.

Барча бошлангич ташкилотларимиз ўртасида ҳар йилнинг уч анъанавий байрам кунлари билан боғлиқ ҳарбий спорт беллашувлари айниқса, қизиқарли ва кўпчилик қатнашадиган мусобақа турига айланиб бормоқда. Чунончи «Ватан ҳимояси» байрами ҳисобланган январь ойидаги байрам кунларида, Ғалаба санаси нишонланадиган кунда ва Республикамизнинг «Мустақиллик байрами» тантаналарида мактаблар, ташкилотлар ёшлари ўртасида ўтказилаётган ҳарбий спорт беллашувлари кўпчиликда катта таассурот қолдираётир. Уларда узоққа югуриш, велосипед ва картинг, футбол, волейбол, шунингдек, миллий кураш, уз-ўзини ҳимоялаш каби жисмонан эпчиллик, топқирлик ҳамда зийраклик талаб этиладиган беллашувлар бўлажак аскарлар учун чиниқиш мактаби ўрнини ўтамоқда.

Биз ёшларни жисмонан чиниқтириш, техник билимларини ошириш билан бир қаторда маънавий тайёрлаш, яъни улар онгида ватанпарварлик шакллантириш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Вақти-вақти билан жойларда уруш қатнашчилари билан учрашувлар, юртбошимиз асарларини урганиш кечалари уюштирилмоқда. Бир бундан кейин ҳам ёшларимизнинг ватанпарвар бўлиб вояга етишишлари учун зарур бўлган ҳамма чорани кўрамиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Янги ўқув йили арафасида: мактаб бозори.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

Бу қизиқ олам!

АНТИҚА ТАЖРИБА

«Танамни 700 долларга ижарага бераман, деган эълон Канада газеталарининг бирида босилди. Монреалдаги кишилар ҳаёт ва фаолитятини ўрганувчи Халқаро Илмий марказ биносининг пештоқига ҳам шунга маънодош расм чизилган. Маълум бўлишича, бу ерда гап «клиник синов» ҳақида экан. Яъни соппа-соғ, ҳеч қандай дори қабул қилишга эҳтиёжи йўқ кишиларга у ёки бу дори қандай таъсир қилишини, бир сўз билан айтганда, янги препаратнинг органларга таъсирини аниқлашда фанга ёрдам бериш ҳақида экан. «Синов» қанча муддатга чўзилиши ва характерига, илмга келтирган фойдасига қараб мукофот берилади. Масалан, янги дорини синаб бериш учун Н. ДЖО исмли талаба икки марта икки суткадан марказда ётиб чиққан ва бунинг эвазига 700 доллар олган. Утказилган 40 анализнинг ҳар бирига 17 доллордан олган.

ЯНГИ РЕНТГЕН АППАРАТИ

Орёлдаги «Научприбор» бирлашмаси цехларида тамоман янги нусхадаги рентген қурилмалари ишлаб чиқариладиган бўлди. Янги аппаратнинг афзаллиги шундаки, нур кўрикдан ўтаётган беморга ҳозирги амалда қўлланилаётган аппаратга нисбатан 250 марта кам таъсир этади. Чет элларда ишлаб чиқарилган шундай аппраталар эса нурни 15-20 марта камайтиради, холос.

Бу қурилманинг яна бир диққатга сазовор жойи шундаки, у ўзида флюорография ва рентген аппаратлари бажарадиган вазифаларни ўзида мужассамлаштирган, тасвирни ҳар хил кўринишларда компьютер тармоғига узатаверади. Ушбу ноёб асбоб Новосибирск ядро физикаси олимлари томонидан яратилган.

Бандлик хизмати

МЕҲНАТ МАЪНАВИЙ РАҒБАТ ҲАМДИР!

Маълумки, иқтисодий муносабатлар бозор тамойиллари асосида таркиб топаётган бир шароитда меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимларининг аҳамияти, айниқса кучайди. Давлат тасарруфидаги корхоналарнинг жисмонан чиниқтириш, эпчил ва чаққон бўлиб вояга етишишларини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу йўналиш бўйича беллашувларда 2-,4-,12-мактаблар аҳолида фаоллик кўрсатдилар.

Мингбулоқ туманида уюштирилган картинг спорти беллашувлари ҳам ёшларимизнинг эпчиллик, довюраклик, ғоят қисқа лаҳзаларда топқирлик талаб қилинадиган спортнинг бу турида техника сирларини қунт билан эгаллаб боришаётганликларини намойиш этишди ва фахрли ўринлардан бирини забт этишга муваффақ бўлдилар. Биз спортнинг замонавий техника билан боғлиқ бу турини янада кенгроқ ривожлантириш йўл-йўриқларини ишлаб чиқмоқдамиз.

Барча бошлангич ташкилотларимиз ўртасида ҳар йилнинг уч анъанавий байрам кунлари билан боғлиқ ҳарбий спорт беллашувлари айниқса, қизиқарли ва кўпчилик қатнашадиган мусобақа турига айланиб бормоқда. Чунончи «Ватан ҳимояси» байрами ҳисобланган январь ойидаги байрам кунларида, Ғалаба санаси нишонланадиган кунда ва Республикамизнинг «Мустақиллик байрами» тантаналарида мактаблар, ташкилотлар ёшлари ўртасида ўтказилаётган ҳарбий спорт беллашувлари кўпчиликда катта таассурот қолдираётир. Уларда узоққа югуриш, велосипед ва картинг, футбол, волейбол, шунингдек, миллий кураш, уз-ўзини ҳимоялаш каби жисмонан эпчиллик, топқирлик ҳамда зийраклик талаб этиладиган беллашувлар бўлажак аскарлар учун чиниқиш мактаби ўрнини ўтамоқда.

Биз ёшларни жисмонан чиниқтириш, техник билимларини ошириш билан бир қаторда маънавий тайёрлаш, яъни улар онгида ватанпарварлик шакллантириш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Вақти-вақти билан жойларда уруш қатнашчилари билан учрашувлар, юртбошимиз асарларини урганиш кечалари уюштирилмоқда. Бир бундан кейин ҳам ёшларимизнинг ватанпарвар бўлиб вояга етишишлари учун зарур бўлган ҳамма чорани кўрамиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Маълумки, иқтисодий муносабатлар бозор тамойиллари асосида таркиб топаётган бир шароитда меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимларининг аҳамияти, айниқса кучайди. Давлат тасарруфидаги корхоналарнинг жисмонан чиниқтириш, эпчил ва чаққон бўлиб вояга етишишларини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу йўналиш бўйича беллашувларда 2-,4-,12-мактаблар аҳолида фаоллик кўрсатдилар.

Мингбулоқ туманида уюштирилган картинг спорти беллашувлари ҳам ёшларимизнинг эпчиллик, довюраклик, ғоят қисқа лаҳзаларда топқирлик талаб қилинадиган спортнинг бу турида техника сирларини қунт билан эгаллаб боришаётганликларини намойиш этишди ва фахрли ўринлардан бирини забт этишга муваффақ бўлдилар. Биз спортнинг замонавий техника билан боғлиқ бу турини янада кенгроқ ривожлантириш йўл-йўриқларини ишлаб чиқмоқдамиз.

Барча бошлангич ташкилотларимиз ўртасида ҳар йилнинг уч анъанавий байрам кунлари билан боғлиқ ҳарбий спорт беллашувлари айниқса, қизиқарли ва кўпчилик қатнашадиган мусобақа турига айланиб бормоқда. Чунончи «Ватан ҳимояси» байрами ҳисобланган январь ойидаги байрам кунларида, Ғалаба санаси нишонланадиган кунда ва Республикамизнинг «Мустақиллик байрами» тантаналарида мактаблар, ташкилотлар ёшлари ўртасида ўтказилаётган ҳарбий спорт беллашувлари кўпчиликда катта таассурот қолдираётир. Уларда узоққа югуриш, велосипед ва картинг, футбол, волейбол, шунингдек, миллий кураш, уз-ўзини ҳимоялаш каби жисмонан эпчиллик, топқирлик ҳамда зийраклик талаб этиладиган беллашувлар бўлажак аскарлар учун чиниқиш мактаби ўрнини ўтамоқда.

Биз ёшларни жисмонан чиниқтириш, техник билимларини ошириш билан бир қаторда маънавий тайёрлаш, яъни улар онгида ватанпарварлик шакллантириш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Вақти-вақти билан жойларда уруш қатнашчилари билан учрашувлар, юртбошимиз асарларини урганиш кечалари уюштирилмоқда. Бир бундан кейин ҳам ёшларимизнинг ватанпарвар бўлиб вояга етишишлари учун зарур бўлган ҳамма чорани кўрамиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

СИРЛИ НАВО

Жонажон мамлакатимиз табиати Нур Биби шеърларида қозоқча, яъни дилбар ва бой забонда гапиради, юракларга хуш ҳислар, бадиий завқ-шавқ ато қилади, унинг шеърларида табиат манзаралари тасвири мўл. Инсон кунглидаги кечинмаларини табиатга уйғун равишда ёритиш, дунёвий дардларни, туғёнларни, сокинликларни, қувонч ва изтиробларни ўта самимий, ростгўй сатрлар орқали тасвирлашда бундай услуб нақадар ярашиқли эканини, табиий ижодкорлар яхши англайди.

У бугунги кунда қозоқ шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаб турибди.Нур Биби ижодкор сифатида ўзбек шоирларининг асарларини қозоқчага таржима қилиб, қозоқ ўқувчиларига асл ҳолатдагидай етиб боришида ҳам холис хизмат қилади. Шу маънода уни ўзбек ва қозоқ адабиёти ўртасидаги мустаҳкам алоқаларнинг яна бир таянчи деб атасак бўлади. Қолаверса, у республикамизнинг қозоқ тилидаги рўзномаси «Нурли жол» газетасида узоқ йиллардан бери хизмат қилиб, адабиёт бўлимини бошқариб келмоқда.

Музаффар АҲМАД

Бул кўкламда
Кўпдан бери йўқотганинг топилгандай.
Мунг, аламдан
Жону жисминг, жисму жонинг ор қилгандай.
Ялтирайди
Бир ғаройиб сулувликка ботган олам,
Бўлбуллар ҳам
Сайрайди хўб, сайрайди кўп ҳормай-толмай.

Бул кўкламда...
Атрофда нур, атрофинг нур ёпингандай,
Олмалар ҳам,
Ўриклар ҳам оппоқ мунчоқ таққингандай.
Юрагингни
Тебратади, тебратади ажиб оҳанг,
Ажиб оҳанг, сирли наво
Бор дунёни лол қилгандай.

Бул кўкламда...
Бул кўкламда қолдинг-ку сен меҳринг қонмай,
Бул кунларга кимлар етган кўнгли қолмай?
Отаётган ҳар бир тонгга
Интиласан,
Ошиқасан
Ҳали олдда сен кўрмаган
Энг ғаройиб ҳаёт бордай!!

Спорт

СЕҲРИ ЎЗГАЧА ТУҲФА

Теннис спортининг энг қизиқарли, нафис турларидан бири. Жаҳонда энг машҳур кишилар, президентлар, ҳукумат бошлиқлари, таниқли ишбилармонлару кино юлдузлари уни севиб томоша қилиш билан бирга ўзлари ҳам бевосита кортларда беллашиб туришади.

Мустақиллигимизнинг олти йиллиги олдидан ишга тушаётган Юнусобод теннис мажмуидаги ёпиқ турдаги теннис корти бу спорт турининг янада кенг қулоч ёзиб, баландликка жаҳон ариналаридаги юксак натижаларга чиқишга хизмат қилади деган умиддамиз.

Ушбу усти ёпиқ теннис корти ўхшаши йўқ иншоот бўлиб, энг замонавий жаҳон талаблари усулида бунёд этилган. Ў қарийб тўрт минг ишқибозни ўз бағрига сиғдира олади.

Шунингдек, унда бошқа спорт турларидан баскетбол, бокс воллейбол, оғир атлетикатурлари бўйича беллашувлар утказиш ҳам мумкин. Яқинда ҳар йили анъанавий турнирга айланган президент кубогининг иштирокчилари-ю, ишқибоз меҳмонлар бу ғузал масканнинг ўта дид билан барпо этилганлигининг шоҳиди бўлдилар. Президентимиз иншооти бориб кўриб, кўздан кечирар экан, уларни лойиҳалаштирилган ва бунёд этаётган меъморлар, қурувчилар ва инженерлар билан суҳбатлашди. Спорт майдонининг халқаро стандартларга мослиги билан қизиқди. Ҳаттоки, танланган ранглар майдони четидаги тўсиқлар ва шунга ўхшаш нозик ишлар ҳам юртбошимизнинг нигоҳидан четда қолмади. Президентимиз иншоотни барпо этаётганларга юқори баҳо берар экан, иқлим шариитимиз спорт иншоотлари баҳаво бўлишини зарурлигини талаб этишини қайд этди. Шунингдек у қурилишда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланишни тавсия этди. Шарқона ва замонавий услубларнинг уйғунлигига, ранглар мутаносиблигига алоҳида аҳамият бериш зарурлигини ўқтирди. Шунингдек, ўзининг керакли маслаҳатларини берди.

Юнусобод теннис кортининг ички кўриниши

Кон-металлургия тармоғининг анъанавий спартакиадаси

ҒАЛАБАГА ИШТИЁҚ

БЕКОБОДДА МЕТАЛЛУРГЛАРНИНГ VIII СПАРТАКИАДАСИ ЯКУНЛАНДИ

Узбекистон кончилари ва металлургларининг анъанавий VIII спартакиадаси доирасида тармоқ спорт жамоаларининг 30 дан ортиқ командаси ўн тур бўйича куч синашди.

«Узбекистон металлургия комбинати» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Шоҳид Йўлдошев етакчи булган футбол командасига тенг келадиган рақиб топилмади. Ярим ҳимоячи Воҳид Камолов, ҳимоячи Сергей Шокиров, ҳужумчи Қаҳрамон Нурматовларнинг маҳорати-ю, жонбозлиги жамоага ғалаба келтирди. Эркаклар ўртасидаги мусобақада Бекобод воллейболчилари устунлик қилишди. Кураш ва енгил атлетика беллашувларида ҳам майдон эгалари биринчи ўринга чиқишди.

Лекин жами баллар бўйича «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ҳиссадорлик жамиятининг спорт жамоаси устунлик қилди. Улар сузиш, аёллар волейболи, шахмат ва тош кўтариш бўйича олдинга ўтиб кетишди. Мис эритиш фабрикасидан Н.Арбузова, 33-боғча ҳамшираси О.Белишева, рух заводидан Л.Бобилева сингари волейболчиларнинг тўпни аниқ ошириши ва чаққонлиги томошабинлар томонидан қайта-қайта олқишланди. Мис эритиш заводи касаба қўмитасининг раиси Н.Гежа шахмат бўйича юқори натижага эришди.

— Саккизинчи спартакиадага қизғин тайёргарлик кўрдик, — деди Олмалиқ металлургларн спорт жамоаси етакчиси Валентин Калугин. — Корхоналар ва цехлар биринчилиги учун мусобақаларда уч мингдан ортиқ ҳаваскор спортчи иштирок этди. Энг кучлилар ва малакалилар ушбу тармоқ спартакиадасига қатнашиш шарафига эга бўлишди.

Спартакиадада Чирчиқ билан Чодак спортчилари ҳам фаол қатнашишди. Узбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати спортчилари арқон тортиш ва шашка бўйича ғолиб деб топилди. 10-цех токари Евгений Тимошенко, тузатиш-механика цехи слесари Анатолий Шилов, метални йўнувчи Элмира Асанова, меҳнат фахрийси Людмила Латяеваларнинг ўйинлари командага энг кўп очколар келтирди.

Иккинчи ғуруҳ командалари ўртасидаги металлургия корхоналарини тузатиш ҳиссадорлик жамияти спортчилари биринчи, Чодак олтин кони спорт жамоаси иккинчи ўринларни эгаллашди. Ташкилий қўмита Чодак спортчиларининг ғалабага интилишини алоҳида таъкидлади.

Ғолиблар дипломлар, совринлар ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Узбекистон кон-металлургия саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси М.Эшонхўжаева ғолибларни қутлаб, уларга мукофотларни топширди.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ.

Халқ табобатидан

ТАРВУЗ

Тарвузнинг таркибида темир тузи, калий, магний тузлари, ўнга яқин органик кислоталар ва ҳар биримиз учун зарур моддалар манжуд. Унинг уруғида эса треонин ва тирозин бор.

Тарвуз пешоб ҳайдовчи ва иссиқ туширувчи сифатида қадимдан қадрлаб келинмоқда. Агар уни сирка ва асал билан (200 гр. асалга икки ош қошиқ сирка аралаштирилади) қўшиб ейилса, пешоб йўлини тозалайди. Агар тарвуз шарбатини шакар билан аралаштириб ичилса, танани салқин сақлайди, ўта иссиқ шароитларда иссиқ урушидан асрайди.

Тарвузни шакар ва асал билан биргаликда истеъмол қилишнинг фойдаси кўп. Ошқозон ичак касалликлари қабзиятга чалинганлар тарвуз устидан олий навли ундан қилинган нон есалар, кўп фойда курадилар. Тарвузнинг пучоғи ҳам фойдали: ётишдан олдин янги суйилган тарвуз пучоғи билан юзингизни эринмасдан ишқаб чиқсангиз, рангингиз тоза ва юз терингиз соғлом бўлади.

ҚОВУН

Қовуннинг таркибида, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, олтин буларкан. Қовуннинг ширини тилни ёриши бежиз эмас, унинг таркибида тилла билан биргаликда асалнинг фаол бирикмалари ҳам мавжуд. Думалоқ ва ширин қовунлар буйракни тозалаб, пешоб билан биргаликда турли чиқиндиларни танангиздан чиқариб ташлайди. Кузингизга говмичча чиққан бўлса, асти ҳижолат чекмасдан қовуннинг юмшоқ жойидан кесиб олиб боғланг, тезда ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасиз. Қовуннинг пучоғини тез-тез пешонангизга босиб турсангиз, икки-уч кун ичида иситмангиздан асар ҳам қолмайди. Бурундан қон кетганда қовун пучоғидан сиқиб олинган шарбатдан икки-уч томчи томизилади. Ангина, бронхитга чалинганларни даволаш учун эса қовун пучоғи тез-тез томоқ ва кўкракка қўйилади. Думалоқ қовун шарбати ва уруғини мунтазам истеъмол қилиш зотилжам ва зиқнафасга чалинганларга фойдаси бор. Узун қовунларнинг шундай шарбати ва уруғини икки ҳафта истеъмол қилиш эса гайморит каби касалликларда нафи тегади, йиринг оқишини тўхтатади. Петрушка билан бирга истеъмол қилинганда эса буйрақдаги тошларни йўқотади. Узун қовунлар уруғидан олинган ёғ билан пешоб йўллари яралари даволанади. Бундай ёғ терини ниҳоятда тиниқлаштириш хусусиятига ҳам эга.

«КАМОЛОТ АВТОСЕРВИС»

масъулияти чекланган жамият «ЎзДЭУ» автозаводининг расмий дилери

«НЕКСИЯ»
«ТИКО»,
«ДАМАС»

автомобилларини завод баҳосида сотади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришни ва олий даражада хизмат кўрсатишни кафолатлаймиз. Автомашиналарни фақат биздан сотиб олсангиз, ўта мамнун бўласиз.

Ҳақ тўлаш турлича. Бизнинг автосалонимиз қуйидаги манзилда жойлашган: Тошкент шаҳри, Саракуль кўчаси, 7-уй. Мўлжал: Темирйўл техникуми

Телефон: (3712) 91-61-50,
Факс: (3712) 91-64-72.

Узбекистон касаба уюшмалари федерациясининг ИШОНЧ нашриёт-матбаа концерни

Бош муҳаррир Саидакром САЙДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖАНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАГАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОКОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ХОЖИҚУЛОВА, Ҳ.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78

БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Аҳборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Ҳаллар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ - 56-85--66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 24-ўй.
Нашр кўрсаткичи; 64560; 64561.
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-2, ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0531. Босишга топширин вақти — 21.00 Топширилди 21.00. Масъул навбатчи : Холҳўжа МИРЗАЕВ 1 2 3 4 5 6